

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

84. (2 рас-рас)  
D-74.

М. Достоевский


# КАМБАГАЛАР





28471

ЎЗБЕК НАВОЙ NOMIDAGI  
T. h DO'TAU  
PROT-RESURS MARKAZI



## ТАРЖИМОНДАН

Ўзбек таржимачилигининг яқин ўтмиши, хусусан, XX асрнинг биринчи ярмидаги тарихига назар ташласак, „Дон Кихот“, „15 ёшли капитан“, „Гулливернинг саёхатлари“ сингари жаҳон адабиётининг дурдоналари яркираб кўзга ташланади. Бунда заҳматкаш ижодкорлар – таржимонларнинг меҳнати озмунча эмас, албатта. Шундай мохир таржимонлардан бири Абдулла Хўжахонов бўлиб, „Гулливернинг саёхатлари“ китоби таржимаси шу кишининг қаламларига мансуб. А.Хўжахонов 1906 йил 26 июлда Тошкентда туғилиб, 1964 йилда дунёдан ўтганлар. У киши 1930 йилдан 1942 йилгача „Ўздавнашр“ да турли вазифаларда ишлаганлар. 1942–1945 йилларда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси; гвардиячи лейтенант, 1945 йил октябридан 1946 йил май ойигача „Ўздавнашр“ да таржимон, 1946–1950 йилларда „Ўқитувчилар“ (хозирги „Маърифат“) газетасида, 1950–1953 йилларда „Ўздавнашр“ да бош муҳаррир ва директор ўринбосари вазифасида ишлайдилар. 1953–1964 йиллар Ўзбекистон фанлар академияси А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими бўлиб ишлаганлар. Луғат сектори олимлари билан биргаликда беш томлик „Русча-ўзбекча“, „Ўзбекча-русча“, икки томлик „Ўзбек тилининг изоҳли луғати“ босилиб чиқишида фаол қатнашадилар.

Яқинда шу ижодкор бошлаб қўйган Фёдор Достоевскийнинг „Камбағаллар“ романи қўлимизга тушиб қолди. Камина таржимани ўқиб чиқиб, қўлёзмани келтирган ўғиллари Аҳмадхон Хўжахоновдан шу ишни савоб учун охирига етказиб қўйишимга рухсат беришларини сўрадим. Ўтинчим инobatга олинди, ғайрат ва илҳом билан ишга киришдим. Ф. Достоевский ушбу асарни 25 ёшида ёзиб, Гоголга кўрсатган, Гогол эса Белинскийга ҳавола этган экан. Белинский асарни ўқиб „рус адабиётида тезда жаҳонга таниладиган янги даҳо пайдо бўляпти“, – деб баҳо берган ва ёш ёзувчининг қўлини сиқиб қўйган экан. Таржиманинг А.Хўжахонов қилган қисмини қайта-қайта ўрганиб, у кишининг услубларига „кириб“ олганим қанчалик ўзини оқлаганини китобхонларимизнинг ўзлари баҳолар. Ўз навбатида истеъдодли таржимонимизнинг руҳлари қўллаб юришини, бизлардан рози бўлишларини Худодан сўраб қоламан.

*Амир ФАЙЗУЛЛА*

**МЕНИНГ БЕБАҶО ВАРВАРА  
АЛЕКСЕЕВНАМ!**

Кеча мен бахтиёр, ғоят бахтиёр, бениҳоят бахтиёр эдим! Сиз, умримда, хайтовур, биргина марта бўлса-да, сўзимга кирдингиз. Кечқурун, соат саккизларда уйғондим, биласизми, онажон, ишдан кейин бир-икки соат ухлаб олишни яхши кўраман, шамни ҳозирладим, қоғозни тайёрлаб, патқаламни учлаб туриб, тўсагдан, бехосдан назар ташларманми, – ростини айтсам, юрагим нақ каптарваччадек ўйнаб кетди! Менинг хоҳишим нима эканини, арзимас кўнглим нима тусаганини, ҳар қалай, пайкаган бўлсангиз керак! Қарасам, дарпардангизнинг бир бурчи ҳов ановида худди мен сизга шама қилганимдай, қайрилган ва хинагулли тувакка кистириб кўйилган; худди шу пайтда дераза олдида юзингиз кўрингандай, сиз ҳам менга хужрангиздан қараб тургандай, сиз ҳам мен тўғримда ўйлаётгандай туюлдингиз. Азизим, Сизнинг жозибали дийдорингизга яхшилаб тўёлмаганимга жуда қайғурдим. Бир вақтларда бизга ҳам ҳамма нарса яхши кўринарди, онажон! Қариликнинг шодлиги йўқ, жонгинам! Мана энди кўз ҳам жимирашадиган бўлиб қолди; кечқурун киттаккина ишлаб, бир нима ёзгудай бўлсам, эрта билан кўзларим қизариб, ёшланиб кетаверганидан одамлардан уяламан. Аммо Сизнинг табассумингиз, малагим, ширин, ёқимли табассумингиз кўз ўнгимдан нари кетмайди; ҳов ановида, мен сизни, Варенька, қандай ўпиб олган бўлсам, эсингиздами, маликам, – қалбимда ҳам худди шундай сезги бор эди. Биласизми, азизим, ҳатто сиз менга ўша ердан туриб, бармоқ билан пўписа қилгандек туюлдингиз. Шундайми, шўх қиз? Албатта, сиз буларнинг ҳаммасини мактубингизда муфассалроқ тасвирланг.

Хўш, дарпардангиз хусусидаги фикрингиз қалай, Варенька? Жуда соз-а, тўғри эмасми? Иш устида ўтирганимда ҳам, ухлашга ётсам ҳам, уйқудан уйғонсам ҳам, албатта, би-

ламанки, сиз ҳам менинг тўғримда ўйлайсиз, мени эслайсиз ва ўзингиз ҳам саломат ва хуш-хурсандсиз. Пардани туширганингиз – хайр, Макар Алексеевич, ухлаш вақти келди, – деганингиз бўлади. Пардани кўтарганингиз – салом, Макар Алексеевич, яхши ухлаб турдингизми, ёки: соғлигингиз қалай, Макар Алексеевич? Мен бўлсам, Яратганга шукур, сихат-саломатман! – деганингиз бўлади. Кўрдингизми, жонгинам, қандай ажойиб гап; мактуб ҳам даркор эмас! Жуда гўзал, тўғри эмасми? Ҳолбуки, бу мендан чиққан ақл! Хўш, бу ишларга қалай эканман, Варвара Алексеевна?

Сизга шуни маълум қиламанки, онажоним Варвара Алексеевна, бу кеча яхшигина ухлабман, бундай бўлишини кутмаган эдим, шунисидан жуда ҳам мамнунман; ҳолбуки янги уйга, янги жойга кўчиб келинганда нечундир тузук ухлаёлмайдиги киши; ҳамма иш жойида-ку, аммо бир „лекин“и бор! Мен бугун шункордай тетик бўлиб турдим – таъбим чоғ! Бугунги тонг қандай яхши, онажон! Деразамизни очиб юборишди; куёш ёғду сочмоқда, қушлар сайрамоқда, ҳаводан баҳорнинг хушбўй ҳиди анқиб турибди, бутун табиат жонланмоқда, – ҳа, энди, қолганлари ҳам шунга яраша; ҳамма иш жойида, баҳорга мос. Мен бугун ҳатто анчагина ширин хаёллар сурдим, менинг хаёлларим ҳамон сиз тўғрингизда бўлди, Варенька. Мен сизни одамларга завқ-шавқ бериш ва табиатни безатиш учун яратилган қушчага ўхшатдим. Шу онда, Варенька, бизлар, ташвишда ва зўр ҳаяжонда яшовчи одамлар, осмон қушларининг қайғусиз ва ёзиқсиз бахтига ҳавасимиз келиши ҳам керак, – қолганлари эса ҳаммаси ҳам шу каби ва шунга ўхшашдир; яъни мен ҳамон ана шунақа узоқ муқоясаларни келтириб ўтдим. Менинг бир китобим бор, Варенька, унда ҳам худди шунақа, ҳамма нарса ғоят батафсил ёзилган. Бунинг устига мен, ахир орзу-хаёллар ҳар хил бўлади-да, деб ёзаман, онажон. Мана энди баҳор бўлди, фикрлар ҳам ҳамон шундай ёқимли, ўткир, қизиқ, мияга келган орзу-хаёллар ҳам нозик; ҳамма нарса яхши кўринади. Шу билан бирга мен бунинг ҳам ҳаммасини ёздим. Айтгандай, мен буларнинг барини китобчадан олдим. Унда ёзувчида ҳам шундай хоҳиш пайдо бўлади ва у шеър билан:

– Нечун мен куш эмасман, йиртқич кушмасман! – деб ёзади. Ва ҳоказо. Унда яна ҳар хил фикрлар бор, ҳа, бунисини кўяверинг! Хўш, сиз бугун эрта билан қаёққа бордингиз, Варвара Алексеевна? Мен ҳали хизматга отланмасимданоқ сиз худди баҳор куши сингари уйдан пир этиб чиқиб, ҳовлидан очик чехра билан ўтиб кетдингиз. Сизга боқиб, мен жуда шодландим! Оҳ, Варенька, Варенька! Сиз қайғурманг; кўз ёши қайғуга ёрдам беролмайди; мен буни биламан, онажон, бу нарса бошимдан ўтган. Энди сиз тинчидингиз, соғлиғингиз ҳам бирмунча жойига келиб қолди. Хўш, Федорангиз қалай? Вай, у қандай яхши аёл-а! Варенька, сиз у билан ҳозир қай тарзда турганингизни ва ҳар жиҳатдан мамнун эканингизни ёзинг. Федора сал эзмарок; сиз бунга эътибор қилманг, Варенька. Қўя беринг! У ўзи яхши аёл.

Мен сизга бу ердаги Тереза хусусида ёзган эдим, – у ҳам яхши ва тўғри аёл. Бир-биримизга ёзадиган мактубларимиз тўғрисида жуда безовталанган эдим. Хатлар қандай қилиб етказилишини ўйлардим. Хайрият, толеимизга Терезани Худо етказди. У хушфёъл, ювош, камгап аёл. Аммо бизнинг бекамиз жуда бераҳм. У Федорани ишлатавериб тинкасини қуритади.

Хўш, мен қандай ярамас жойга тушиб қолдим, Варвара Алексеевна! Шу ҳам уй бўпти-ю! Ўзингиз биласиз, ахир илгари хотиржам эдим; мен турган уйда пашша учса ҳам эшитиларди. Бу ер бўлса шовқин-сурон, ғовур-ғувур! Ҳали сиз бу ернинг қанақалигини билмайсиз. Гўёки шундай деб билинг: тим қоронғи ва ивирсиган узун бир йўлак; унинг ўнг қўл томони теп-текис девор, чап томони қаторасига эшик, худди нумердагидай қатор кетган. Ана шу нумерларни ижарага олиб турадилар, ҳар қайси нумерда биттадан бўлма бор; ҳар бўлмада иккитадан, учтадан одам туради. Тартибни асти сўраманг – одам лик тўла! Шуниси борки, одамлар яхшига ўхшайди, ҳаммалари маълумотли, олим одамлар. Битта амалдор бор, у бирор ерда адабиётга доир ишларни бошқарса керак, ўзи ўқимишли киши; Гомер тўғрисида ҳам, Брамбеус тўғрисида ҳам, ўзларининг ҳар турли ёзувчилари тўғрисида ҳам гапириб юради, ҳаммаси тўғрисида гапиради, – ақлли одам! Иккита

офицер ҳам бор, улар ҳамиша карта ўйнашади. Бир мичман<sup>1</sup> туради; англиз ўқитувчиси туради. Тўхтаб туринг, онажон, мен сизни бир кулдирай; янаги мактубимда уларни ҳажв қилиб тасвирлайман, яъни улар ҳақидаги ҳамма гапни жуда батафсил ёзиб юбораман. Бизнинг бекамиз жуда кичкина ва ғаламис кампир, кун бўйи туфли билан халат кийиб юради ва эртаю-кеч Терезага ўшқиради. Мен ошхонада тураман ёки мана бундай дейилса анча тўғрироқ бўлади: ўша ошхона ёнида битта хона бор. Сизга шуни айтиб қўяйки, ошхонамиз озода, ёруғ, жуда яхши, бу хона чоғроқ, одмигина жой... яъни, яна яхшиси, ошхона катта, учта деразаси бор, ана шу ошхонадаги кўндаланг девор бўйлаб яна девор, тўсик бор, бу эса гўё яна бир хона, кўшимча номер бор демакдир; хона ичи кенг, қулай, деразаси ҳам бор, бошқаси ҳам – қисқаси, ҳар ёқлама қулай. Менинг турар жойим ана шундай. Сиз, онажон, бирорта бошқа нарсани ўйламанг, бирор сирли маъноси бордир деб гумон ҳам қилманг, яъни мен алоҳида бўлмада турганимни бу одам ошхонада истикомат қилар экан, деб ўйламанг, ҳечқиси йўқ; мен бошқалардан холи, якка, тинч, жимгина яшайман. Хонамга каравот, стол, комод, бир жуфт стул келтириб қўйдим, деворга образ<sup>2</sup> осдим. Тўғри, яхшироқ уйлар ҳам бор, – балки жуда яхшилари ҳам бордир, лекин ҳаммадан яхшиси – қулайлиги; ахир мен ана шу қулайлигига қизиқаман-да, сиз яна бошқа бирор нарса учундир, деб ўйламанг. Сизнинг деразангиз ҳовлининг нариги бетида, рўпарада; ҳовлиям чўзиққина, ўтиб кетатуриб сизни кўрсам, мен бояқишнинг кўнглим кўтарилади, бунинг устига турган жойимнинг арзонлигини айтмайсизми? Бу ердаги энг жўн хона столи билан ассигнацияга<sup>3</sup> ўттиз беш сўм туради. Бунга ҳамён чидамайди! Мен турган уй бўлса ассигнацияга етти сўм туради, стол беш сўлқавой: мана, йигирма тўрт ярим сўм, илгари бўлса роппа-расо ўттиз сўм тўлардим-у, лекин кўп нарсдан ўзимни тиярдим; чойни ҳар доим ичавермасдим,

<sup>1</sup> Мичман – энг қуёи офицерлик унвонидаги офицер.

<sup>2</sup> Образ – икона.

<sup>3</sup> Ассигнация – қоғоз пул.



мана, энди бўлса чойга ҳам, қандга ҳам пул етади. Биласизми, жонгинам, чой ичмаслик қандайдир уят; бундаги одамлар ўзига баҳузур, шу сабабли мен уялардим. Чойни бошқалар учун хўжакўрсинга, савлатга ичади киши, Варенька; менга эса барибир, мен инжиқ эмасман. Баъзи бир керакли буюм учун ҳамёнда унча-мунча пул бўлади, унга, масалан, анчики этикми, арзонгина жўн пальтоми олинади, нимагина қолади дейсиз? Моянамнинг бор-йўғи шу. Лекин мен нолимайман, балки мамнунман. Моянам етарли. Мана ахир, неча йилдан бери кифоя қилиб келади; мукофотлар ҳам бўлиб туради. Хўп, хайр, малакчам. Иккита тувақда хинагул билан ёронгул олиб кўйдим – қиммат эмас. Сиз, балки, резеда – саёк гулни ҳам яхши кўрарсиз? Резеда ҳам бор, мактубда ёзинг; биласизми, ҳамма гапни мумкин қадар муфассалроқ ёзинг. Айтгандай, сиз, онажон, менинг шундай хонани ижарага олганим хусусида бирор нима ўйламанг ва шубҳаланманг. Йўқ, қулайлиги мажбур қилди, фақат қулайлиги мени кизиқтирди. Мен, ахир, онажон, пул йиғаетирман, тугиб қўяётирман; пулим бор. Сиз менинг ювошгина, мўмингина бўлиб юришимдан мени пашша қаноти билан қоқиб йиқитадигандай деб қараманг. Йўқ, онажон, мен ўзимга етгунча пишиқман ва феъл-атворим билан ўзини дадил тутиб олган виқорли одамга ўхшайман. Хайр, малаккинам! Мен сизга сал кам икки варақ мактуб ёздим, хизматга жўнаш вақти бўлгани қачонлар эди. Нозик бармоқларингизни, онажон, ўпаман, деб каминаи камтарин қулингиз ва энг содиқ дўстингиз Макар Девушкин.

**P.S.** Бир илтимосим бор: малакчам, жавобни мумкин қадар батафсил ёзинг. Мен сизга, шу мактуб билан бирга, Варенька, бир қадок конфет юбораман; сиз уни марҳамат қилиб енг, Худо хайрингизни берсин, менинг тўғримда қайғурманг ва мендан ўпкаламанг. Хўп, бўлмаса, хайр, онажон.

*8 апрель.*

## МУХТАРАМ ЖАНОБ, МАКАР АЛЕКСЕЕВИЧ!

Охир-оқибат, сиз билан роса жанжаллашишга тўғри келишини биласизми? Сизга онт ичиб айтаманки, марҳаматли Макар Алексеевич, совғаларингизни олиб қолишга ҳам қийналаман. Сизга қанчалик машаққат бадалига, энг зарур нарсалардан ўзингизни тийиш баробарига келганлигини биламан. Менга ҳеч нарса, мутлако ҳеч нарса керак эмаслигини, шу чокқача сизнинг менга қилиб келган яхшиликларингизни қайтаришдан ожизлигимни сизга бир неча бор айтгандим. Ахир тувак гулларни мен нима қилай? Ҳа, хина гул-ку майли-я, ёронгулнинг нима ҳожати бор эди? Эҳтиётсизлик билан биронта сўз айтилса, масалан, ана шу ёронгулдан қиттак сўз очилиб қолгудай бўлса, сиз дарҳол сотиб оласиз-қўясиз; дарҳақиқат, қиммат-а? Гуллари жудаям ажойиб экан! Ўзи қип-қизил, устида юлдузчалари бор. Бунақанги яхши ёронгулни қайдан олдингиз? Мен уни дераза ўртасига, кўзга яққол кўринадиган жойга қўйдим; полга ўриндиқ қўяман, скамейкага эса яна гуллар қўяман; мана энди бойишни фақат ўзимга қўйиб беринг! Федоранинг севинчи ичига сиғмайди; энди хонамиз худди жаннатдай бўлди, — озода, ёруғ! Хўш, конфетнинг нима ҳожати бор эди? Тўғриси, менинг ҳозиргина мактубдан фахмлашимча, ишингиз бошқачароқ бўлиб туюлди, гўё жаннат, баҳор, хушбўй ҳидлар сочилмоқда, кушлар сайрамоқда. Бу нима ўзи, деб ўйлайман, бунда шеър йўқмикан? Ахир, ростини айтганда, мактубингизда биргина шеър етишмайди-да, Макар Алексеевич! Нозик ҳис-туйғулар, ширин-ширин хаёллар — ҳаммаси бор мактубда! Дераза пардаси тўғрисида ўйлаганим ҳам йўқ; тўғриси, туваклардаги гулларнинг ўринларини алмаштириб қўяётганимда унинг ўзи илиниб қолган экан; гап шу!

Ох, Макар Алексеевич! Мени алдаш учун нималар десангиз ҳам, даромадларим батамом яққа ўзимга сарф бўлаётир, деб уларни қанақасига ҳисоблаб кўрсатсангиз ҳам, барибир мендан ҳеч нарсани беркитиб ва яшириб қола олмайсиз. Равшанки, сиз мени деб ўзингизни зарур нарсалардан маҳрум

киласиз. Масалан, нега бундай уйни ижарага олишни ихтиёр килдингиз? Ахир, сизни безовта, бесаранжом килишади-ку; у жой сизга торлик килади. Ҳам ноқулай. Сиз якка-ёлғиз туришни яхши кўрасиз, бу ерда, сизнинг ён-верингизда нималар йўқ дейсиз! Ҳолбуки, оладиган моянгангизга караганда сиз анча яхши яшашингиз мумкин эди. Федоранинг айтишича, сиз ҳозиргига караганда илгари такқослаб бўлмас даражада яхши яшар экансиз. Наинки сиз бутун умрингизни ёлғизликда, машаққатда, хуш-хурсандлик кўрмай, ёр-дўстларнинг ёқимли, ширин сўзларини эшитмай, аллакимларнинг уйидан жой олиб, бир бурчагида ижарага туриш билан ўтказсангиз? Оҳ, марҳаматли дўстим, мен сизга жуда ачинаман! Ҳеч бўлмаса ўз соғлигингизни эҳтиёт қилинг, Макар Алексеевич! Кўзим заифлашиб қолаётир, дейсиз, ундок бўлса, шам ёруғида хат ёзманг; ёзишнинг нима кераги бор? Сизнинг хизматга бўлган жонбозлигингиз бошлиқларингизга маълум бўлса керак?

Сиздан яна қайта ўтиниб сўрайман, менга шунча пул сарфламам. Биламан, сиз мени севасиз, ахир ўзингиз бой эмассиз-ку... Бугун мен ҳам ўриндан хурсанд бўлиб турдим. Таъбим шундай чоғ бўлдики, Федора аллақачон ишга бошлаган, менга ҳам иш топиб қўйган экан. Мен жуда севиниб кетдим. Фақат ипаклик сотиб олгани бориб келдим-да, тезгина ишга киришдим. Эрталабдан бери димоғим жуда чоғ эди, ўзим беҳад хурсанд эдим! Энди бўлса яна аллақандай бўлмағур хаёллар миёнамни чулғаб олди, юрагим жудаям ғаш тортиб кетаётир.

Оҳ, менга бир гап бўладиганга ўхшайди, тақдирим нима бўларкин! Овлоқда камтаринлик билан кун кечиримизга, истикболим йўғлигига, охир-окибат бошимга нималар келишини олдиндан билолмаслигимга қайғураман. Ўтмишимга назар солишга ҳам кўрқаман. Ўтмишим шунчалик қайғу-ҳасратдан иборатки, эсга олсам, юрагим тарс ёрилиб кетгудай бўлади. Мени хароб этган ёвуз одамлардан бир умр зорланиб ўтаман!

Қош қорайиб қолди. Ишга бошлаш керак. Мен сизга кўп нарса хақида ёзмокчи эдим-у, вақт йўқ, ишни ўз вақтига битказиб бериш зарур. Шошилиш лозим. Албатта, мактуб яхши нарса; киши ҳар қалай овунади. Нега ўзингиз бизникига кир-

майсиз? Сабаби нима, Макар Алексеевич? Ахир энди сизга якин, бунинг устига баъзида бўш вақтингиз ҳам бўлади. Марҳамат қилиб, кириг! Терезангизни кўрдим. Афтидан, у бетоб бўлса керак; унга раҳмим келди; мен унга йигирма тийин бердим. Ҳа, унутаёзбман: ҳол-аҳволингиз тўғрисида, албатта, мумкин қадар муфассалроқ ёзинг. Атрофингиздагилар қанақа одамлар, улар билан муомалангиз яхшими? Мана шуларнинг ҳаммасини жуда билгим келади. Яна айтаман, албатта, ёзинг! Бугун мен парданинг учини атайлаб қайириб қўяман. Барвақтроқ ётинг; кеча ярим кечгача чироғингиз кўриниб турди. Хўп, хайр. Бугун ҳам юрагим ғаш, ҳам зерикаётирман, ҳам диққинафас бўлиб кетаётирман! Бугун кун шунақа экан! Хайр.

*Сизнинг*

*Варвара Доброселовангиз.*

*8 апрель.*

### МАРҲАМАТЛИ МАЛИКАМ, ВАРВАРА АЛЕКСЕЕВНА!

Ҳа, онажон, ҳа, жигарим, мен бояқишнинг толеимга бугун шунақа кун экан! Шундай; мендай мўйсафидга ҳазил қилибсиз, Варвара Алексеевна! Бироқ айб ўзимда, мен ҳар жиҳатдан айбдорман! Ёшим улғайиб, бошимда бир тутам соч қолган пайтда ишқ-муҳаббат изҳор қилиш ва қочириқ гаплар айтишни нима қилардим... Шуни ҳам айтайки, онажон, одам баъзан қизик бўлади, жуда ғалати бўлади. Ё, азиз-авлиёлар! Нималар деб довдираганимни ўзим ҳам билмай қоламан! Бундан нима маъни чиқарди денг. Ҳеч нарса чиқмайди, фақат бемаъни гап чиқадики, ундан Худонинг ўзи асрасин! Мен, онажон, аччиқланмайман, фақат, шунчаки ҳамма гапларни эслаш кишини афсуслантиради, сизга киноя билан бемаънилик қилиб мактуб ёзганимга афсусланаман. Бугун мен хизматга олифта-башанг бўлиб жўнадим; кўнглим жуда шод эди. Ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, беҳад хурсанд эдим; вақтим чоғ эди! Зўр завқшавқ билан қоғозларга тутиндим, кейин ундан нима чиқди! Кейинчалик у ёқ-бу ёққа кўз югуртириб қарасам, ҳамма нарса

илгаригича хиралашиб кўринди. Ҳамон ўша сиёҳ доғлари, ўша столлар, қоғозлар, ўзим ҳам бояги-бояги бўлиб қолдим; қандай бўлсам, шундайлигимча қолавердим, – бунчалик ўзни унутиб, баланд парвоз қилишнинг нима ҳожати бор экан? Буларнинг ҳаммаси нимадан келиб чиқди? Офтоб чиқиб, осмон мусаффо бўлганиданмикин? Ҳовлимизда деразалар тагида алланималар билиқсиб ётган бир пайтда хушбўй хидлар қайдан келди экан! Билсам, буларнинг ҳаммаси лакмалигимдан шундай кўринган экан. Ахир баъзан киши ўз сезгиларига ўралишиб қолиб, бемаъни гапларни гапириб қўяди. Бу нарса юракнинг ортиқча, бемаъни сезгиларидан келади, холос. Уйга бўлса сургала-сургала келдим; ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ бошим оғриб кетди; бундай пайтда бир хасталик иккинчисини бошлаб келаверар экан (орқам шамоллади, шекилли). Баҳор келди, деб аҳмоқ бўлиб севиниб юпун шинелда кетган эдим. Менинг юрак сезгиларимни сиз бутунлай бошқача тушунибсиз. Мени илҳомлантирган нарса оталарча меҳр-муҳаббат, бирдан-бир оталарча меҳрибонлик, Варвара Алексеевна; зероки мен сиз шўрлик етим қолганингиздан бери отангиз ўрнида отаман; мен бу гапни, юрагимдан, чин кўнглимдан, қариндошларча айтаётирман. Ҳар қалай мен сизга мақолда, авағамнинг авағаси, дегандай, гарчи узоқ қариндош бўлсам ҳам, ҳар ҳолда қариндошман, эндиликда эса энг яқин қариндошингиз ва ҳомийингизман; зероки, сиз ҳомийлик, ҳимоя излашга ҳаммадан кўра яқинроқ ҳуқуққа эга бўлганингиз ҳолда хиёнаткорлик ва ранж-аламга учрадингиз. Шеърлар хусусида сизга айтадиган гапим шуки, онажон, қариган чоғимда шеър машқ қилиш менга ярашмайди. Шеър бўлмағур нарса! Шеър учун мактабларда болаларни дўппослайдилар... Аҳвол ана шундай, жигаргўшам.

Варвара Алексеевна, қулайлик тўғрисида, тинчлик ва ҳар нарсалар хусусида сиз менга нималарни ёздингиз? Онажоним, мен ҳазарчи эмасман, зукко ҳам эмасман, ҳеч қачон ҳозиргидан яхши умр кечирган эмасман; шундай бўлгач, ёш қайтган паллада нега инжиқлик қилай? Ўзим тўқ, бош-оёқ кийимим бут; шўхлик қилишни бизга ким қўйибди! Граф авлодидан эмасмиз! Менинг отам дворянлар табақасидан эмас ва даромад

жихатидан бутун оиласи билан мендан ҳам камбағал эди. Мен инжиқ эмасман! Аммо, ростини айтсам, олдинги уйимдаги турмушим таққослаб бўлмас даражада яхши эди; ўзимни анча эркин сезардим, онажон. Албатта, ҳозирги квартирам ҳам яхши, ҳатто баъзи жихатдан турмушим завкли ва ранг-баранг; мен бунга қарши ҳеч нарса демайман, шундоқ ҳам бўлса ҳамон ўша илгариги уйимни кўмсайман. Биз кексалар, яъни қари одамлар, эски нарсаларга худди ўзимизнинг қадрдон бир нарсамизга ўргангандай ўрганиб, кўникиб қоламиз. У уй, билсангиз, кичкинагина эди; деворлари бўлса... нимасини ҳам айттай! – деворлари росмана деворлар сингари эди, гап унда эмас, аммо бутун кечмишим тўғрисидаги эсдаликлар мени қайғуга солади... Ажиб бир ҳол оғир бўлса ҳамки, эсдаликлар гўё ёқимлидай кўринади. Бошдан кечган оғир аҳволлар ҳам (мен буларга кўпинча қайғулардим) хотирамда худди ярамаслиқдан тозалангандай туюлар ва назаримда, гўё жозибадор бир кўришни олар эди. Мен бир кампир уйида турардим, Варенька. У марҳума билан биз ими-жимида яшардик. Мана энди ўша кампирни эсласам, кўнглим бузилиб кетади! Бояқиш кўп яхши аёл эди ва ижара ҳақиға ҳам кўп пул олмас эди. У кўпинча ҳар хил лахтаклардан узунлиги бир газли пилтакач билан кўрпа ясарди; унинг қиладиган иши шу эди. Чирогимиз ўртада бўлиб, бир стол четида ўтириб иш қилар эдик. Унинг Маша деган набираси бор эди – мен уни гўдаклигидан биламан – ҳозир ўн учларга бориб қолган бўлиши керак. Жуда шўх, шақа-шулдур эди, бизни кулдиргани-кулдирган эди; учовимиз шу тахлитда умр кечирардик. Баъзан қишнинг узоқ кечаларида тўғарак столни қуршаб олишиб, чой ичардик, сўнгра ишга киришардик. Кампир бўлса, Маша зерикиб қолиб шўхлик қилмасин учун, баъзан эртақ бошлар эди. Эртақлариям қанақа денг! Бола у ёқда турсин, бамаъни, ақлли одам ҳам завқ билан тингларди. Қўйинг-чи, мен ҳам пўшакни тортиб ўлтириб шу қадар берилиб кетардимки, ҳатто ишни ҳам унутиб юборардим. Шумтақа қизалоқ бўлса, жажжи қўлини кип-қизил юзига тираган ҳолда жажмонгина оғзини очиб, хаёл суриб ўлтирарди, мабодо, эртақ хиёл кўркинчли бўлса, қизча кампирнинг пинжиги тикилаверарди. Биз эса уни завқ билан томоша қилардик; шун-

дай қилиб, шам ёниб битганини сезмай қолардик, ташқарида кўпинча қор бўрони чийиллаганини ҳам эшитмас эдик. Турмушимиз яхши эди, Варенька; мана шу тарзда биз сал кам йигирма йил бирга турдик. Жуда кўп валақлаб юбордим! Сизга балки бунақа гаплар ёқмас, менинг ҳам, айниқса ҳозир, эслашим унчалик осон эмас. Қош қорайиб қолди. Тереза алланималар билан овора, бошим оғриётир, кифтим ҳам сиркираб турибди, бунинг устига фикрларим ҳам шундай ғалати, гўё улар ҳам оғриётгандай туяётирман; бугун кўнглим ғаш, Варенька! Нима деб ёздингиз, жигарим? Мен ҳузурингизга қандай қилиб бораман? Азизим, одамлар нима дейишади? Ахир ҳовлининг нариги томонига ўтиш лозим келади, бизнинг одамлар пайқаб қолиб, ўсмоқчилаб сўрай бошлайдилар. Миш-миш гап, фитнес-на-фасод тарқалади, бичиб-тўқиб бунга бошқа маъно берадилар. Йўқ, малаккинам, яхшиси, мен сизни эртага кечки ибодат олдидан кўрай; бу иккимиз учун маъқулроқ ва бегидирроқ бўлади. Сизга шундай мактуб ёзганим учун айбга буюрманг; қайта ўқиб қарасам, мактубим бошдан-охир қовушимсиз кўринаётир. Варенька, мен кекса, билимсиз одамман; ёшлигимда ўқимадим, энди бўлса, мабодо ўқийдиган бўлсам, миямга ҳеч нарса кирмайди. Онажоним, воқеани баён қилишга уста эмаслигимга тан бераман ва агар бирор ғалатироқ нарса ёзгудай бўлсам, ишни пачава қилиб қўяман, шунинг учун биров менга йўл-йўриқ кўрсатиб, камчиликларимни ҳажв қилиши керак бўлади. Мен сизни бугун дераза олдида кўрдим, пардани тушираётган экансиз. Хайр, хайр, Худонинг паноҳига! Хайр, Варвара Алексеевна.

*Холис дўстингиз  
Макар Девушкин.*

**P.S.** Жигаргўшам, мен энди ҳеч ким тўғрисида ҳажвли нарса ёзмайман. Унар-унмасга бировлардан қулишга, онажоним, Варвара Алексеевна, қариб қолдим энди! Одамлар менадан қулишади, бировга чоҳ қазиган, унга ўзи йиқилади, деб таъна қилишади.

*9 апрель.*

## МАРҲАМАТЛИ ЖАНОБ, МАКАР АЛЕКСЕЕВИЧ!

Хўш, дўстим ва валийнеъматим Макар Алексеевич, шунчалик қайғуриш ва асабийлашишга уялмадингизми? Наинки ранжиган бўлсангиз! Вой, мен кўпинча эҳтиёткорликни унутиб қўяман, лекин менинг гапим сизга қалтис ҳазил бўлиб туюлишини ўйламаган эдим. Амин бўлингки, мен сизнинг ёшингизга ва феъл-атворингизга ҳазил қилишга ҳеч қачон журъат қилмайман. Буларнинг ҳаммаси менинг енгилтаклигим туфайли рўй берди, айниқса, шунинг учун ҳамки, одам жуда зерикади, зерикишдан нималар қилмайди, киши. Мен бўлсам сиз ўз мактубингизга бироз қулишни истагансиз деб ўйлагандим. Мендан хафа бўлганингизни билгач, ичимга чироқ ёкса ёришмайдиган бўлиб қолди. Йўқ, меҳрибон дўстим ва валийнеъматим, агар сиз мени ҳиссиз ва кўрнамак деб билсангиз, хато қиласиз. Менга қилган ҳамма яхшиликларингизнинг қадрига ета оламан, сиз мени ёвуз одамлардан, уларнинг таъқиби ва нафратидан ҳимоя қилдингиз. Мен ҳамиша сизни дуо қиламан ва агар дуом мустажоб бўлса, сиз бахтиёр бўласиз.

Бугун хийла мазам йўқ. Гоҳ иситмам чикиб, гоҳ жунжикиб турибман. Федора мени деб кўп ташвиш тортаётир. Бизникига келишга уялишингиз чакки, Макар Алексеевич. Бировларнинг иши нима! Сиз бизлар билан танишмисиз, вассалом!.. Хайр, Макар Алексеевич. Энди ёзадиган гап қолмади, ёзишга иложим ҳам йўқ: жуда тобим қочиб турибди. Мендан хафа бўлмаслигингизни ва сизга бўлган ҳурмат ва самимиятим илгаригича эканлигига ишонишингизни яна қайта ўтиниб сўрайман, деб энг садоқатли дўстингиз ва каминаи камтарин хизматкорингиз

*Варвара Доброселова.*





**МАРҲАМАТЛИ МАЛИКАМ,  
ВАРВАРА АЛЕКСЕЕВНА!**

Оҳ, онажонгинам-ей, сизга нима бўлди! Мана, ҳар гал сиз мени шундай кўрқитасиз. Ҳар қайси мактубимда сизга, ўзингизни эҳтиёт килинг, ўраниб-чирманиб юринг, ҳаво ёмон вақтида ташқарига чиқманг, ҳар ишда эҳтиёт бўлинг, деб ёзсам ҳам, сиз, малагим, сўзимга кирмайсиз. Оҳ, азизим-ей, сиз нима, ёш бола нима, фарқингиз йўқ. Ахир сиз нозиккинасиз, чўпдек нимжонгинасиз, мен буни биламан. Шивир этган шамол эсдими – бас, сиз дарров оғриб коласиз. Киши эҳтиёт бўлиши, ўзига парво қилиши, хавф-хатардан қочиши ва ўз дўстларини ташвиш ва қайғуга солмаслиги керак.

Онажон, сиз менинг ҳол-аҳволим ва ён-веримдагилар тўғрисида батафсил билишни истайсиз. Истагингизни хурсандлик билан бажо келтиришга шошиламан, жигаргўшам. Гапни бошидан бошлайин, онажон: шунда тузукрок бўлади. Аввало, уйимизга кираверишдаги зинапоялар ўртача деса бўлади; хусусан, катта эшик олдидаги зинапоя озода, ёруғ, кенг, ҳаммаси чўян билан қизил ёғочдан ясалган. Аммо орқа томондаги зинапояни сўрамай қўя қолинг; винтсимон, зах, ифлос, поналари синган, деворлар ҳам шу қадар мойлики, уларга қўл тирасанг, қўлинг чиппа ёпишади. Ҳар қайси майдончада сандиқлар, синик, шалок стул ва шкафлар туради, латга-путгалар ёйилган, деразаларнинг ойналари синиб битган; тос ва тораларда ҳар хил ахлат, супуринди, тухум пўчоклари ва балиқ пуфакчалари уйилиб ётибди; қўланса хид буркиб туради ... Хуллас, яхши эмас-да.

Мен сизга хоналар тартибини баён қилган эдим; хоналар тартиби дуруст, бунда сўз йўқ, буниси ҳақиқат, аммо хоналар ичи дим, яъни бадбўй хид келмаса-да, бироз моғор хиди, аллақандай ғалати чучмал хид келиб туради. Хонага биринчи киришда кишида ярамас тасаввур қолади, лекин ҳечқиси йўқ; хонамизда бир-икки дақиқа турганингиздан кейин, димингиз ўрганиб қолиб, ҳеч нарсани сезмайсиз-қўясиз, чунки шу хид ўзингизга ҳам, кийимингизга ҳам, қўлларингизга, ҳамма-

хаммасига ўтириб қолади, шу билан ўрганиб қоласиз, холос. Бизникида саввалар ҳадеса ўлаверади. Мичман бешинчисини сотиб олмоқчи, – уйимиз ҳавосига бардош қилолмайди, холос. Ўчоқбошимиз катта, кенг, ёруғ. Тўғри, эрталаблари, балик ёки мол гўшти ковуришаётганда, бироз тутун босади, бунинг устига ҳар қаерга уни-буни сочиб-тўқишади, оёқ остини ҳўл қилишади, лекин кечкурун жаннатдай бўлади. Ўчоқбошимизда чилвирларга ҳамиша эски кир осиглик туради; менинг хонам узок бўлмаганлиги, яъни ошхонага деярли ёндошганлиги сабабли кир ҳиди мени бироз безовта қилади; ҳа, ҳечқиси йўқ: бора-бора ўрганиб қолар экан киши.

Барвақт эрта билан, Варенька, бизда ўпир-тўпир бошланади, ўриндан туришади, юришади, тақир-туқур қилишади, хуллас, ўриндан туриши керак бўлганларнинг ҳаммаси туради, бировлар хизматга бориш учун, қайбировлар ўзича; ҳамма чой ича бошлайди. Самоварлар хўжайинники, кўпинча камлик қилиб қолади, шунинг учун ҳаммамиз навбатга тизилишамиз; чойнаги билан келиб навбатга турмаган киши дуч келиб қолгудай бўлса, дарҳол унинг адабини бериб қўядилар. Бошда мен ҳам қўлга тушаёзган эдим, ҳа ... айтгандай, нимани ёзсам экан! Ўша онда мен ҳамма билан танишиб олдим. Дастлаб мичман билан танишдим; очиккина одам экан, у отаси, онаси тўғрисида, Туладаги маслаҳатчига теккан синглиси ва Кронштадт шаҳри тўғрисида гапириб берди. Ҳар тўғрида мени химоя қилишга ваъда берди ва мени ўз ҳузурига чойга чақирди. Мен уни излаб, одатда карта ўйналадиган хонадан топдим. У ерда менга чой беришди ва мени кимор ўйнашга таклиф этишди. Мени улар мазах қилишдими, йўқми, билмайман; ўзлари туни билан кимор ўйнаб чиқишибди, мен кирган пайтда ҳам ўйнашаётган экан. Бўр, қарталар ётибди, хона ичини шунақанги тутун босганки, кўз очиб бўлмайди. Мен ўйинга қўшилмадим, ўша заҳотиёқ менга тегизиб, бу одам фалсафадан гапиради, деб қўйишди. Кейин ҳеч ким мен билан сира гаплашмади-кўйди; тўғриси, бунга ўзим ҳам хурсанд бўлдим. Энди улар олдига бормаيمان; уларнинг иши кимор, дарди-фикри кимор! Мана, адабиёт бўлими бўйича амалдорнинг уйида кечкурунлари

йиғилишлар ҳам бўлиб туради. Уникада ўлтиришлар сиполик билан, осойишта ва назокат билан яхши ўтади; хуллас, ҳамма нарса ими-жимиди бўлади.

Ҳа, айтгандай, Варенька, сизга шуни ҳам айтиб қўяйки, бизнинг хўжайкамиз бениҳоят ярамас хотин, бунинг устига ўтакетган шаллақи. Терезани кўрдингизми? Нафсиламрга уни нима деса бўлади? Қанот-қуйруғи юлинган қилтирик жўжа сингари озғин. Бир уйда бор-йўғи икки киши – Тереза билан хўжайканинг Фальдони деган хизматкори туради. Билмадим, балки унинг бирорта бошқа исми ҳам бордир, у ана шу исми эшитса ҳам жавоб-муомала қилаверади; ҳамма уни шу ном билан чақиради. Ўзи малла, аллақандай тентак, кийшик, пучук, кўрс; Тереза билан ҳадеса гижиллашавериб, иккаласи муштлашгудай бўлади. Умуман олганда, бу ерда турганимни мақтаёлмайман... Кошки кечаси ҳамма бирданига ётсаю тиниб-тинчиса, – ҳеч қачон шундай бўлмайди. Одамлар ҳамиша қаерлардадир ўлтириб, хангома қилишади, баъзан шундай ҳам бўладики, айтишга уяласан, киши. Энди-ку, ҳарҳолда кўникиб колдим-а, шундай ғала-ғовур жойда оилали кишилар қандай туришганига ҳайрон бўламан. Аллақандай камбағаллардан иборат бутун бошли бир оила хўжайкамизнинг бир хонасини ижарага олиб ўлтиради, фақат бу хона бошқа номерлар қаторида эмас, бошқа томонда, бурчакда, ўзига алоҳида. Улар ювош одамлар! Улар тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса эшитмайди ҳам. Улар бир хонада турадилар, хона ўртасидан иккига бўлинган. У одам ишсиз аллақандай амалдор бўлиб, етти йилча илгари бирор сабаб билан хизматдан бўшатишган. Фамилияси Горшков; мўйсафид, жиккаккина одам. У ёғ босиб кетган шундай эски кийимда юрадики, кўрсанг раҳминг келади, менинг уст-бошимдан ҳам баттар! Қилтирик, нимжон одам (баъзан иккимиз дахлизда учрашиб қоламиз); оёқлари титрайди, қўллари қалтирайди, боши каловлаб туради, Худо билади, бирор касаллик оқибатида шундай бўлиб қолганмикин; кўрқок, ҳаммадан кўрқади, ўзини четдан олиб юради; мен-ку тортинчокман-а, у бўлса мендан ҳам ошиб тушади. Оиласида – хотини ва учта боласи бор. Катта ўғли отасининг ўзгинаси, у ҳам жуда орик.

Хотини бир вақтларда кўркам бўлган бўлса керак, ҳозир ҳам сезилиб туради; бояқиш чурук-чорикка ўралиб юради. Эшитишимча, улар хўжайкадан қарздор бўлиб қолишибди; хўжайканинг улар билан муомаласи унча яхши эмас. Горшковнинг ўзида ҳам аллақандай ташвиш-тахлика борлигини эшитдим, шунинг учун ҳам у ўрнидан ажраган... Суд қилинаёптими, қилинмоқчимми, иши аллақандай текширишдамикин – анигини сизга айта олмайман. Улар бояқиш камбағал, Худойим-ей! Уларнинг уй ичи ҳамиша тинч, сув куйгандай жимжит. Ҳатто болаларнинг ҳам овози чикмайди. Болаларнинг чуғурлашиб, ўйин-кулги қилишганини кўрмайсиз, бу эса яхшилик аломати эмас. Бир куни кечкурун улар эшиги олдидан ўтишга тўғри келди; ўша пайтда ҳовлимиз одатдан ташқари жимжит эди; шу топда қулоғимга йиғи товуши, кейин шивир-шивир, сўнгра яна пик-пик йиғи товуши эшитилди, худди ҳаммалари йиғлашаётгандай туюлди, аммо бу товуш шу қадар секин, шу қадар аянч эдики, юрагим кинидан чиқиб кетгудай бўлди, шундан сўнг бутун кечаси билан ўша камбағалларни ўйлаб чиқдим, шу сабабли тузуккина ухлаёлмадим ҳам.

Хайр, менинг бебаҳо дўстгинам, Варенька! Сизга билганимча ёздим. Бугун куни билан фақат сизни ўйладим. Сизга ачиниб, жигаргўшам, юрак-бағрим об бўлиб кетди. Жонгинам, ахир сизда иссиқ пальто йўқлигини биламан-ку, Петербургнинг баҳорлари, шамолларию қор аралаш ёмғирлари, – булар менинг кушандам, Варенька! Шундай олашовур ҳаволардан эгамнинг ўзи асрасин-да! Ёзган мактубимни масхара қилманг, жонгинам; мактубимда услуб йўқ, Варенька, ҳеч канақа услуб йўқ. Кошки эди бирор услуб бўлса! Миямга келганини ёзавераман, мақсад, ишқилиб сизни бир нима билан бироз хурсанд қилиш. Жиллакурса бирозгина ўқимишли бўлганимда ҳам бир гап эди; менинг ўқишим қандай бўлган денг; сариқ чақалик ҳам ўқиган эмасман.

*Сизнинг доимий ва содиқ дўстингиз  
Макар Деушкин.  
25 апрель.*

**МАРҲАМАТЛИ ЖАНОБ,  
МАКАР АЛЕКСЕЕВИЧ!**

Бугун амакимнинг кизи Сашани учратдим! Дахшат! У шўрлик ҳам хароб бўлади! Орқаворотдан эшитишимча, Анна Фёдоровна ҳамон менинг пайимга тушиб юрган эмиш. У мени таъкиб қилишни ҳеч қачон бас қилмайди, шекилли. У мени кечирмоқчи бўлганини, ўтган гапларни унутишини ва албатта мени келиб кўришини айтибди. Айтишича, сиз менга асло қариндош эмасмишсиз, менинг якин қариндошим у эмиш, мен билан оилавий муносабат боғлашга сизнинг ҳеч қандай ҳаққингиз йўқ эмиш ва менга сизнинг хайр-садақангиз билан ва қарамингизда яшаш уят-айб эмиш... Айтармишки, мен унинг берган нон-тузини унутибман, у онам иккимизни очликдан ўлишдан қутқазиб қолганмиш, у бизни икки ярим йилдан зиёд бекорга боққан эмиш, буларнинг устига қарзни кечиб юборган эмиш. Ҳеч бўлмаса ойимга раҳм-шафқат қилса бўларди! Менинг бошимга солган кулфатларини ойим шўрлик билса эди-я! Худо кўриб тургандир!.. Анна Фёдоровнанинг айтишича, мен ақлим қисқалик қилиб ўз бахтимни тутиб қололмаган эмишман, у мени бахтга рўпара қилганмиш, унинг ҳеч қандай айби йўқ эмиш ва мен ўз обрў-иззатимни сақлаб қола олманган ва балки хоҳламаган эмишман. Бу ерда ким айбдор экан-а, э Худо-ей! Унинг айтишича, жаноб Биков батамом ҳақли эмиш ва ҳар қанақа қизга ҳам уйланавермас эмиш... нимасини ҳам ёзай! Бундай ёлғон-яшиқ гапларни эшитиш жуда оғир, Макар Алексеевич! Ҳозирда қай аҳволда эканлигимни ўзим ҳам билмайман. Мени титроқ босаётир, ўпкам тўлиб йиғи келаётир, хўнграётирман; шу мактубни сизга икки соат ёздим. Анна Фёдоровна ҳарҳолда менинг ҳузуримда ўз айбига икром бўлар деб ўйлаган эдим; у бўлса ана шунақа гапларни қилиб юрган экан! Худо ҳақки, дўстим, менинг ягона хайрихоҳим, ташвиш тортманг! Федора ҳадеб ваҳима қилаверади, йўқ, мен бетоб эмасман. Кеча Волковога онамнинг мазорбошисига борганимда пича шамоллаган эканман,

холос. Нега сиз мен билан бирга бормадингиз? Мен сиздан каттиқ илтимос қилган эдим-ку. Оҳ, бечора шўрлик онам, агар сен тобутингдан чикиб, уларнинг бошимга не-не кул-фатларни солганликларини билсанг, кўрсанг эди-я!..

*В.Д.*

*20 май.*

### АЗИЗИМ, ВАРЕНЬКА!

Сизга озгина узум юбордим, жонгинам; касалдан тузалаётган кишига узум наф қилади, дейдилар, доктор ҳам ташналикни босиш учун, фақатгина ташналикни кондириш учун тавсия қилади. Тунов куни кўнглингиз кулча нон тусаган экан, онажон; шу сабабли мен ундан бир нечасини ҳозир юбораман. Иштахангиз қалай, жонгинам? – энг муҳими шу. Майли, Худоба шукур, ҳамма қийинчилик ўтиб кетди, шўримиз арий деб қолди. Яратганга шукур қилайлик! Китобчалар масаласига келсак, ҳозирча ҳеч қаердан тополмаётирман. Яхши бир китобча бор, дейишади, жуда юкори услубда ёзилган эмиш, яхши дейишаётир, ўзим ўқиб кўрганим йўқ, ҳар қайсилари уни жуда макташаётир. Мен уни ўзимга сўратдим; бериб юборишга ваъда қилишди. Сиз ҳам ўқийсизми? Сиз бу жиҳатдан табиати нозик одамсиз; сизнинг дидингизни билиш қийин, мен сизни биламан, азизим; албатта, сизга ишқ-муҳаббат, оҳ-нолани қуйлайдиган ҳар хил шеърлар керак, – ҳа, шеърларни ҳам, ҳаммасини ҳам топиб бераман; терма бир дафтарим бор.

Мен бўлсам яхши юрибман. Сиз, барака топгур, онажоним, мenden хавотир бўлманг. Федоранинг мен тўғримда сизга айтганлари бутунлай бўлмагур гаплар; сиз унга, ёлғон айтган экансан, денг, у ғийбатчига, албатта, шунини айтинг!... Мен янги вицмундиримни<sup>1</sup> асло сотганим йўқ. Нега ҳам сотай, ўзингиз ўйлаб, кўринг, нега сотар эканман? Сенга қирк сўм мукофот чиқади, дейишаётир, шундай бўлгач, сотиб ҳам нима қилай, ахир? Сиз, онажон, ташвиш тортманг; у, Федора, вахимачи,

<sup>1</sup> Вицмундир – чор Россиясида чиновникларнинг формали кийими.

бадгумон. Турмушимиз яхшиланиб кетади, азизим! Аммо сиз, малагим, соғайиб кетинг, бошқа гап йўқ, тузалиб кетинг, мендай мўйсафидни хафа қилманг. Мени озиб қолган деб сизга ким айтди? Яна тухмат, яна бўҳтон! Соппа-соғман, семириб кетганман, бунинг учун ўзим уяламан, еганим олдимда, емаганим кейинимда; энди сиз тузалиб, қувватланиб кетсангиз, бас! Хўп, хайр, малаккинам; сизнинг жажжи ҳамма бармоқларингизни ўпаман, деб сизнинг абадий ва содиқ дўстингиз

*Макар Девушкин.*

**P.S.** Ох, жонгинам, тагин нималарни ёза бошладингиз?.. Нима деб эркалик қиласиз-а! Қандай қилиб мен сизнинг хузурингизга ҳадеса бора оламан, онажон, қандай қилиб? Мен сиздан сўраётирман. Тун қоронғисидан фойдаланиб борсам-микин; мана энди тунлар ҳам деярли бўлмайди, вақт шунака. Онажоним, малаккинам, сизнинг бетоблик вақтингизда, беҳуш бўлиб ётган чоғингизда мен ҳам ёнингиздан деярли нари силжимадим; аммо бунда ҳам мен ҳамма ишни бартараф қилганимни ўзим ҳам билмайман; кейинчалик боришни тарк қилдим, зероки одамлар синчковлаб, ўсмоқчилаб сўрай бошладилар. Бу ерда ундан илгариёқ ҳар хил фисқ-фасод гаплар тарқалган эди. Терезадан кўнглим тўк; у ҳар кимга ҳар нарсани айтавермайди; лекин шундай ҳам бўлса, ўзингиз ўйлаб кўринг, онажон, мабодо, улар бизнинг сиримиздан вокиф бўлсалар, нима бўлади? Шунда улар нима деб ўйлашмайди-ю, нималар дейишмайди? Шунинг учун юрагингизни кенг қилинг-да, онажон, соғайиб кетгунингизча сабр этинг; ана ундан кейин бирор холи жойда учрашармиз.

*1 июнь.*

### **ҚИММАТЛИ МАКАР АЛЕКСЕЕВИЧ!**

Сизнинг мен учун жон куйдириб қилган яхшиликларингиз, менга бўлган бутун муҳаббатингиз эвазига сизга ҳам бирор яхшилиқ қилишни истаб, ниҳоят, комод ичини кавлаштириб, дафтаримни топишга жазм қилган эдим, энди уни топиб, сизга

юбораётирман. Мен уни ҳаётимнинг бахтли вақтидаёқ бошлаган эдим. Сиз кўпинча менинг илгариги ҳол-аҳволимни, онамни, Покровскийни, Анна Фёдоровнаникида турганимни, ниҳоят, яқинда бошимга тушган кулфатларни зўр кизиқиш билан қайта-қайта сўрар эдингиз. Ва сиз шу дафтарни ўқиб чиқишни шундай зўр муштоклик билан кутган эдингизки, Худо билади, мен ўз турмушимдан баъзи бир пайтларни қайд этишни нима учун ихтиёр қилган эканман, мен сизга юборадиган хотира дафтарим билан сизни кўп хурсанд қилишимга шубҳаланмайман. Дафтарни ўқиб чиқиб, юрагим ғаш бўлиб кетди. Шу дафтарнинг сўнгги сатрларини ёзган пайтимдан бери икки хисса қариб кетганимдай туюлди. Бу нарсалар турли вақтда ёзилган. Хайр, Макар Алексеевич! Жудажуда зерикаётирман, устига-устак кўпинча уйқусизликдан қийналаётирман. Соғайишим ҳам аччиқ ичакдай чўзилди ўзиям!

*В.Д.*

- I -

Отам ўлганда атиги ўн тўрт ёшда эдим. Болалик чоғим ҳаётимнинг энг бахтли даври экан. Ёшлик чоғим бу ерда эмас, балки бу ердан узокда, провинцияда, хилват жойда бошланди. Отам Т-я губернасидаги князь П-йга қарашли каттакон ер-мулкнинг бошқарувчиси эди. Биз князга қарашли кишлоқлардан бирида турардик, тинчгина, ими-жимиди, бахтли турмуш кечирардик... Мен кичиклигимда жуда шўх эдим; қиладиган ишим далама-дала, чакалакма-чакалак югуриш, боғма-боғ сакраш эди, холос, мен билан ҳеч кимнинг иши ҳам бўлмасди. Отам ҳамиша иш билан банд, онам уй-рўзғор юмушлари билан машғул эди; менга ҳеч нима ўргатишмас, мен бўлсам шунга хурсанд эдим. Баъзан эрта билан барвақт тура солиб ё ҳавза бўйига, ёки чакалакзорга, ёхуд пичанзорга, ё эса ўрокчилар олдига югура кетаман, офтоб кизитиб юборишига ҳам, кишлоқдан узоклашиб кетганимга ҳам, чангалларга илиниб ҳаммаёғим қирилганига, кийим-бошим йиртилганига ҳам



парво қилмайман, – кейин уйда мени койишади, уришишади, мен бўлсам пинагимни ҳам бузмайман.

Агар умрим бўйи кишлоқдан кетмай, бир жойда яшасам, жуда бахтли бўлармидим, деб ўйлайман. Ҳолбуки ўша туғилиб ўсган жойларимни болалик чоғимдаёқ ташлаб кетишга мажбур бўлдим. Петербургга кўчиб келганимизда атиги ўн икки ёшда эдим. Вай, ўша ғамгинлик билан отланган пайтимизни эсласам, дилим бир тутам бўлиб кетади! Жонимданам яхши кўрган нарсалар билан хайрлашганимда йиғлаганларимни айтмайсизми. Отамнинг бўйнига осилган ҳолда кўз ёши қилиб, жиллакурса яна пича вақт кишлоқда қолишни тилаб ёлворганим эсимда. Ўшанда отам менга ўшқирган, онам йиғлаб, кетиш кераклигини, иш-шароит шунини талаб этганлигини айтган эди. Кекса князь П-й ўлди. Ворислари отамга қарз тўлашдан бош тортишди. Отамнинг Петербургдаги хусусий кишилар қўлида айланиб турган пича пули бор эди. Отам ўз ишларини йўлга солиб юбориш умидида шу ерга ўзи келиб туришни лозим топган экан. Мен бу гапларнинг ҳаммасини кейинчалик онамдан эшитдим. Биз Петербургская сторонада жойлашдик ва то отамнинг вафотига қадар ўша жойнинг ўзида истиқомат қилдик.

Янги шароитга кўникиш мен учун жуда оғир бўлди! Биз Петербургга кузда кириб келдик. Кишлоқдан кўчиб кетаётган пайтимизда ҳаво очик, илик-иссиқ, кувёш чароғон эди; кишлоқ ишлари тугаб қолаётган бўлиб, хирмонларда донлар тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётар, уларга қушлар ёпирилиб чўғилашар эди; ҳаммаёқ мунаввар ва қувноқ эди, бу ерда бўлса, шаҳарга киришимиз олдида ёмғир қуя бошлади, рутубатли кузги ёмғир, изғирин; ерлар лой, тўда-тўда янги, нотаниш, одам иси ёкмайдиган, хўмрайган, ўшшайган кишилар кўринади. Биз амал-тақал қилиб жойлашиб олдик. Бизникиларнинг елиб-югуришганлари, янги хўжалик тузганлари ҳали эсимда. Отам ҳали ҳам уйда йўқ, онам бир дақиқа ҳам тиним нималигини билмайди – мени бутунлай унутиб қўйишганди. Янги кўчиб келган жойимизда бир кеча тунаганимдан сўнг ҳар куни эрта билан ўрнимдан маъюсланиб турадиган бўлиб қолдим. Уйимиз деразалари аллақандай сариқ тахта деворга қараган эди.

Кўча доим лой. Йўловчилар кам, улар ҳаммаси совқотганидан кийимига бурканиб ўтишарди.

Уйда куни билан ўлтиравериб жудаям зерикиб кетардим. Қариндош-уруғимиз, яқин таниш-билишларимиз йўқ эди ҳисоб. Анна Фёдоровна билан отамнинг ораси бузук эди. (Отам ундан бир нима қарздор эди.) Уйимизга одамлар иш билан тез-тез келиб туришарди. Одатда улар тортишишар, шовкин солишар, кичкиришар эди. Ҳар қайси одам келиб кетганидан кейин отамнинг авзойи бузилиб, важоҳати ўзгарарди: баъзан ковоғини солиб, бир неча бор уйнинг у бурчидан-бу бурчига юриб турар, ҳеч ким билан бир оғиз ҳам сўзлашмасди. Ўшандай пайтларда онам у билан сўзлашувга юраги бетламаганидан чурқ этмасди. Мен бир бурчакда ўлтириб, дамимни чиқазмай, жимгина китоб ўқирдим, баъзан қимирлашга ҳам журъат этолмасдим.

Петербургга келганимизга уч ой бўлгандан сўнг мени пансионга<sup>1</sup> элтиб бердилар. Авваллари бегона кишилар орасида росаям зерикдим. Ҳаммаёқ совук ва ёкимсиз эди, – мураббиялар шундай шанғи, шундай масхаравоз, мен бўлсам одамови эдимки, асти қўяверинг. Талабчанлик қаттиқ! Ҳар ишнинг ўз вақти-соати бор, овқатланиш умумий, зериктирадиган ўқитувчилар – буларнинг бари олдин мени кийнаб, хуноб қилиб юборди. Мен у ерда ҳатто ухлаёлмасдим. Шундай узун, зерикарли, совук кечаларда туни билан йиғлаб чиққан пайтларим ҳам бўлди. Баъзан кечқурунлари ҳамма дарс такрорлар ёки тайёрлар эди; мен китоб ёки чет сўзлар луғатини олдимга қўйиб, қимир этмай ўлтираман-у, ўзимизнинг уйимизни, отамни, онамни, кампир энагамни, унинг эртақларини бирмабир хаёлдан кечираман... Хафалигим жуда ошиб кетади! Уйдаги анчайин энг арзимас нарсани ҳам завқ билан эслайман. Ўйлаб-ўйлаб: шу топда уйда бўлсам қандай яхши бўларди-я! – дейман. Кичик хонамизда, самовар ёнида, уйдагиларим билаң ўлтирган бўлардим; роса маза қилган бўлардим. Қани энди онамни маҳкам-маҳкам кучоклаб, пинжига кирсам, деб ўйлардим. Ҳадеса ўйлайвериб, ахири, алам қилгандан пиқ-

<sup>1</sup> Пансион – инкилобдан олдинги Россиядаги ўрта ўқув юрти.

пиқ йиғлайман-у, ўзимни босиб олишга ҳаракат қиламан, ми-  
яга луғат-пуғат деган гап кирмайди. Эртанги дарсни такрор-  
лаб ўзлаштиролмаймаман; кечаси тушимда ўқитувчи, мураббия,  
қизларни кўриб чиқаман; кечаси билан тушимда дарс тайёрлаб  
чиқаман-у, эртасига ҳеч нарсани билмайман. Мени тиз чўкти-  
риб кўядилар, битта овқат берадилар. Мен доим хафа, индамас  
эдим. Авваллари қизлар мени мазах қилиб кулишар, жиғимга  
тегишар, дарс устида гапириб турганимда янглиштиришар,  
биз саф тортиб овқатлангани ёки чой ичгани кетаётганимизда  
улар мени чимчилаб олишар, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ мени  
мураббияга ёмонлашар эди. Аммо шанба куни кечкурун эна-  
га мени олиб кетишга келганда ўзимда йўқ кувониб кетардим.  
Кувончим ичимга сиғмаганидан кампирни кучоклаб олардим.  
У мени кийинтирар, ўраб-чирмар, йўлда кетимдан етолмас,  
мен бўлсам, маҳмадоналик қилиб ҳар нарсаларни гапириб ке-  
лардим. Уйга хушчакчак, хурсанд бўлиб келиб, уйдагилар би-  
лан худди ўн йил кўришмагандек ялашиб-юлқашардим. Шун-  
дан кейин гап-сўз, хангома бошланиб кетарди; ҳамма билан  
сўрашиб кўришардим, чакчаклашиб, югуриб, сакраб юрар-  
дим. Отам билан жиддий гаплар бошланар, фанлар тўғрисида,  
ўқитувчиларимиз тўғрисида, француз тили хусусида, Ломонд  
грамматикаси хақида сўз юритиларди – хуллас, ҳаммамиз шод-  
хуррам бўлардик. Ўша дақиқаларни ҳозир ҳам хурсандчилик  
билан хотирлайман. Бутун кучим билан ўқишга ва отамнинг  
кўнглини олишга ҳаракат қилардим. Унинг мендан ҳеч наrsa-  
ни аямаганини, ўзи эса роса кийналганини кўрганман. Кун-  
дан-кунга у ғалати, хафа, сержаҳл бўлаверди; феъли батамом  
бузилди: ишлари орқага кетаверди, кулоқдан қарзга ботганди.  
Баъзида онам отамнинг жаҳлини чиқармаслик учун йиғлашга  
ҳам кўрқарди, бир оғиз сўз айтишга ҳам юраги бетламасди;  
ахири онам касалманд бўлиб қолди; тобора озиб кетаверди,  
ёмон йўталадиган бўлиб қолди. Баъзида пансиондан келган  
пайтимда уйдагиларни хафа кўрардим; онам секингина йиғлар,  
отам бўғилар эди. Аччиқ-тизиқ, гина-кудуратлар бошланиб ке-  
тарди. Отам мендан асло хурсанд бўлмаганини, мен унга ҳеч  
қандай таскин беролмаслигимни гапира бошлар, улар мени

деб бор-йўғидан ажраётганлигини, менинг эса ҳалигача французча гаплаша олмаслигимни юзимга соларди; хуллас, барча қийинчилик, бахтсизликнинг алами мен билан онамдан олинарди. Бояқиш онамнинг гап қайтаришга ҳам ҳоли қолмаган эди. Унинг афтига карасам, юрагим қинидан чиқиб кетгудай бўларди: юзлари сўлган, кўзлари ич-ичига тортиб кетган, афтидан худди сил касалга ўхшарди. Ҳаммадан кўра кўпроқ мен койиш эшитардим. Гап арзимаган нарсадан бошланиб, кейин роса каттага айланиб кетарди; кўпинча нима гап эканини билмай қолардим. Ўзимдан-ўзим нималарни ўйламадим!.. Француз тилини ҳам, ўзимнинг ғирт тентак эканимни ҳам, пансионимиз бошлиғи бемаъни, ақлсиз хотин эканини ҳам; бизларга одоб бериш тўғрисида ҳеч қайғурмаслигини ҳам; отамнинг ҳануз ўзига иш тополмай юрганини ҳам, Ломонд грамматикаси ярамас грамматика эканини, Запольский грамматикаси эса анча яхшилигини ҳам; мен учун аллақанча пулни бекорга сарф қилиб юборишганини; ўзимнинг тошдай ҳиссиз эканимни, қисқаси, ҳамма нарсани ўйлардим. Хуллас, мен бояқиш тиришиб-тирмашиб китобларни, луғатни такрорлайверардим, шундай бўлса ҳам ҳаммасига мен айбдор, ҳаммаси учун жавобгар эдим! Бу нарса асло отам мени ёмон кўрганидан эмас, албатта: у мен билан онамни жонидан яхши кўрар эди-ю, лекин ўзининг бўлган-тургани шу эди.

Турли ташвишлар, хафагарчилик, омадсизлик отам бечорани кийнаб юборди: у ҳамма нарсага ишончсизлик билан қарайдиган, баджаҳл бўлиб қолди; унда кўпинча умидсизлик аломатлари намоён бўла бошлади, ахири ўзига, соғлиғига парво қилмайдиган бўлиб қолди, шамоллади-ю, бирдан оғриди ва кўп ўтмай, шунчалик тўсатдан, шунчалик тез вафот қилдики, ҳаммамиз ҳангу манг бўлиб, ўзимизни қаёққа уришни билмай қолдик. Онам алланечук эсанкираб, гангиб қолди; онамни ҳатто эсидан адашиб қолмаса экан, деб қўрқиб юрдим. Отам ўлиши биланоқ қай гўрдандир қарз эгалари тўдалашиб келиб қолишди. Бор-йўғимизни чиқазиб бердик. Петербургга кўчиб келганимиздан ярим йил ўтгач, отам сотиб олган кичкина уйимиз ҳам сотилиб кетди. Қолган

қарзларни қандай қилиб узишганини билмайман, лекин ўзимиз бошпанасиз, уй-жойсиз, озиқ-овқатсиз қолдик. Онам тинкани қуритадиган касалга мубтало эди, ўзимизни ўзимиз боқа олмас эдик, яшаш учун қўлимизда ҳеч нарса йўқ, олдимизда эса ҳалокат турарди. Ўша вақтда эндигина ўн бешга қадам қўйган эдим. Ана шу пайтда бизникига Анна Фёдоровна келди. У ўзининг қандайдир помешчик аёл эканини ва бизга аллақандай қариндошлигини гапира кетди. Онам ҳам унинг қариндошлигини, лекин чатишган қариндош эканини айтди. Отам тириклигида у хотин бизникига сира келмаган эди. У ичкарига йиғлаб кириб келди, бошимизга тушган қайғуга ҳамдард эканини айтди; бизга эргашган мусибатга, бечораҳоллигимизга қайғурган бўлди, бу аҳвол учун отангнинг ўзи айбли, чунки у ўз чоғига қарамай, узокка кетиб қолди, ўз кучига ортикча ишонди, деган гапларни қилди. Биз билан яқин алоқада бўлишни истаб, орадаги совукчиликни унутиб юборишни таклиф қилди; онам унга ҳеч қандай адовати йўқлигини айтганда, у кўз ёши қилди; онамни черковга олиб бориб, отамга атаб дуо-такбир қилдирди. Шундан сўнг у онам билан тантанали равишда ярашиб олди.

Узоқ муқаддима ва даромаддан кейин Анна Фёдоровна, бизнинг ахволимизни, етим-есирлигимизни, ҳолимизнинг танглигини, қўлимиздан ҳеч иш келмаслигини ёрқин бўёқларда тасвишлаб, ўз сўзи билан айтганда, бизни ўзиникига бориб бошпана топишга таклиф этди. Онам ташаккур билдирди-ю, аммо анчагача узил-кесил жавоб қила олмади; лекин бошқа чора қолмагани ва бундан бошқа қарорга келиш мумкин эмаслиги сабабли, ниҳоят, Анна Фёдоровнага унинг таклифини мамнуният билан қабул қилишимизни билдирди. Бир куни эрта билан Петербургская сторонадан Васильев оролига қўчиб ўтганимиз хозир ҳам эсимда. Куз куни, эрта билан ҳаво очиқ, қуруқ ва аччиқ совуқ эди. Онам йиғлайди; дилим жудаям ғаш, юрагим тарс ажрагундай, тушуниб бўлмайдиган аллақандай даҳшатли хафалик бутун вужудимни қоплаган... Оғир вақт эди.

## - II -

Аввалига, биз, яъни мен билан онам, янги кўчиб борган жойимизга ҳали кўникмаган пайтимизда, Анна Фёдоровна-никида туриш иккимизга ҳам жуда кийин, жуда ғалати бўлиб туюлди. Анна Фёдоровна ўз уйида, олтинчи линияда турарди. Уйда ҳаммаси бўлиб бешта тоза хона бор эди, шулардан учтасида Анна Фёдоровна билан амакимнинг кизи Саша турарди. Саша Анна Фёдоровна қўлида тарбияланар, бу бола ота-онасиз – етимча эди. Кейин битта хонада биз турардик ва, ниҳоят, сўнгги хонада, бизнинг ёнимизда, Анна Федоровнанинг хонасини ижарага олган Покровский деган бир камбағал талаба жойлашганди. Анна Фёдоровна жуда яхши яшарди, тахмин килиш мумкин бўлганидан ҳам яхшироқ умр кечирарди; аммо унинг мол-мулкига ҳам, касб-корига ҳам тушуниб бўлмасди. У ҳамиша овора-сарсон, доимо банд, бир кунда неча марталаб хар каёқларга кетарди; лекин унинг нималар килишини, нималар тўғрисида ташвиш тортишини ва нима учун елиб-югуришини мен ҳеч билолмасдим. Унинг таниш-билишлари кўп ва турли-туман эди. Уникига ҳамиша меҳмонлар келишар, уларнинг кимлигини ҳеч ким билмас, ҳамиша аллақандай ишлар юзасидан бирзумгина келиб кетишарди. Кўнғироқ чалина бошлаши биланок онам ҳамиша мени хонамизга олиб кириб кетарди. Анна Фёдоровна бунинг учун онамга захрини сочар ва бизни сенлар ўлгудай гердайган, кеккайган одамсанлар, кошки гердайишларингга яраша давлатинг бўлса экан, деб узундан-узун вайсарди. Унинг бизни гердайганликда айблашининг сабабини у вақтда тушунмасдим; худди шунинг каби мен онамнинг нима учун Анна Фёдоровна уйида туришга тоқати йўқлигини эндигина билдим ёки пайқадим. Анна Фёдоровна қаҳри каттик хотин эди; у бизни ҳамиша қийнарди. Нима учун бизни ўз уйига таклиф қилганига ҳали ҳам ақлим етмайди. Авваллари у биз билан анча яхши муомалада бўлиб юрди, кейинчалик эса қўлимиздан ҳеч нарса келмайдиган муштипарлар эканимизни ва борадиган жойимиз йўқлигини кўргандан сўнг ўзининг кимлигини рўйи рост билдирди-қўйди. Кейинчалик у менга

жуда хушмуомалалик билан, хатто ўтакетган даражада муло-йим гап қиладиган, ёқамиздан кириб, энгимиздан чиқадиған бўлиб қолди, лекин онам иккимиз олдин бундай муомалага бардош қилиб юрдик. У ҳадеса бизга миннат қилаверди; ўзининг сахийлигини ҳадеб бизга пеш қиладиган бўлиб қолди. Бегона одамларга бизни ўзининг камбағал қариндоши сифатида тани-тар, гўё савоблик учун бизга, яъни бева билан етим қиз мушти-парларга раҳм-шафқат қилиб, уйдан жой берганини айтарди.

Биз дастурхонга қўл узатиб, олган ҳар лукма таомни кузатиб ўлтирар, бордию овқат емасак, бизни овқатдан ҳазар қилишда айблаб, яна машмаша бошлар, айбга буюрманлар, топганим шу, шунга ҳам шукр қилайлик, дерди. Дам-бадам отамни койирди: бошқалардан яхшироқ турмуш кечирмоқчи эди-ю, лекин омади кетди, дерди; отам хотини билан қизини гўё дарбадар қилиб кўйган эмиш, Анна Фёдоровнадай меҳрибон, жонкуяр қариндош бўлмаганда, Худо билади, балки биз кўча-кўйларда очликдан хароб бўлган бўлар эмишмиз.

Хуллас, унинг айтмаган гапи қолмади! Унинг таъналарини эшитиш ҳар нарсадан ҳам ёмон эди. Онам дам-бадам йиғларди; унинг соғлиғи кундан-кун ёмонлашиб, у озиб кетаверди, шундай бўлса ҳам биз эртадан тунгача ишлардик, буюртма ишлар топиб, тикардик, бу эса Анна Фёдоровнага сира ёкмас эди; у ҳадеса, менинг уйим модалар дўкони эмас, дерди. Бироқ эғни-мизни бутлаш, қутилмаган чиқимлар учун пул жамғариш керак эди, қўлимизда пулимиз бўлиши зарур эди. Биз ҳар эҳтимолга қарши пул йиға бошладик, пайти келганда бирор бошқа жойга кўчиш мумкин бўлар, деб умид қилардик. Аммо ойим ҳадеса ишлаб, соғлиғидан тамом ажради: тинка-мадори кундан-кунга қуриб бораверди. Касаллик, гўё қурт сингари, умрини кемириб, ўлимини яқинлаштирарди. Мен бу ҳолларнинг ҳаммасини кўриб, сезиб, азоб чекардим; буларнинг барчаси кўз ўнгимда содир бўларди!

Кунлар кетма-кет ўтиб борар, ҳар бир кун кечагисига ўхшар эди. Биз жимгина умр кечирардик, гўё шаҳардан ташқаридаги овлоқ жойда тургандек эдик. Анна Фёдоровна ўз хукмфармонлигини тан ола борган сари аста-секин унинг жағи

тина бошлади. Шуниси ҳам борки, унга сўз қайтаришни ҳеч ким ҳеч қачон хаёлига келтирмасди. Биз турган хона у турган хонанинг ярмидан йўлак билан ажратилган бўлиб, ёнимизда, юқорида айтганимиздек, Покровский турарди. У Сашага француз ва немис тилларини, тарих, жуғрофияни – Анна Фёдоровнанинг айтишича, ҳамма фанларни ўргатарди ва бунинг бадалига у турар жой ва кундалик овқат билан таъминланган эди. Саша, гарчи ўйинқароқ ва шўх бўлса ҳам, зехни ўткир қиз эди; ўша вақтда унинг ёши ўн учлар чамасида эди. Анна Фёдоровна ойимга, қизингизни ҳам пансионда ўқимай қолган фанларга ўқитилса ёмон бўлмас эди, деди. Ойим хурсанд бўлиб розилик берди, шу билан мен Покровскийда Саша билан бирга роса бир йил таълим олдим.

Покровский камбағал, қашшоқ йигит эди; ўқишга муттасил қатнашга соғлиғи йўл қўймас, уни шунчаки одат бўйича талаба деб аташарди. У соддагина, ювошгина, жимгина яшар, шунинг учун ҳам биз унинг ўз хонасида эканини эшитмасдик. Унинг кўриниши жуда ғалати эди; шундай бесўнакай юрар, шундай бесўнакай таъзим қилар, шундай ғалати қилиб гапирар эдики, аввал-аввал мен уни кўрганимда кулгидан ўзимни тўхтата олмасдим. Саша унга доим шўхлик қилар, айниқса, у бизга дарс бериб турган пайтларда Сашанинг шўхлиги зўрайди. Устига устак Покровский жиззаки эди, ҳадеса аччиғи келаверарди, арзимаган гапга бўғилиб, тутоқиб кетарди, бизга ўшқирар, биздан шикоят қилар ва кўпинча, дарсини охирига етказмай туриб, аччиқланган ҳолда хонасига кириб кетарди. У ўз хонасида кунлар бўйи китоб мутолаа қиларди. Унинг китоблари кўп бўлиб, ҳаммаси ҳам қиммат, нодир китоблар эди. У бошқа жойларда ҳам дарс берар, унча-мунча ҳақ олар, кўлига озгина пул тушди дегунча, дарров китоблар харид қилгани кетар эди.

Вақт ўтиши билан мен уни яқиндан яхшироқ билиб олдим. У олийжаноб, ҳурматга сазовор йигит бўлиб, менга дуч келган кишиларнинг энг яхшиси эди. Онам уни жуда ҳурмат қиларди, сўнгра у менинг меҳрибонларимдан (маълумки, онамдан кейин) энг яхшиси эди.



Авваллари мен шундай кап-катта киз бўлишимга қарамай, Сашага қўшилиб шўхлик қилардим, биз қандай қилсак Покровскийнинг аччиғини чиқариш ва хуноб қилиш устида бир неча соатлаб бош қотирардик. У аччиқланганда жудаям кулгли бўларди, бу эса бизга ғоят қизик туюларди. Мен буни эсга олишга ҳам уяламан. Бир сафар биз унинг жаҳлини чиқазиб, йиғламоқдан бери қилдик, шунда мен унинг пичирлаб: „Ёмон болалар“ деганини очик-равшан эшитдим. Мен бирдан хи-жолат тортиб кетдим: мен ҳам уялдим, ҳам аччиқландим, ҳам унга ачиндим. Қип-қизил лавлаги бўлиб кетганлигим ва йиғламоқдан бери бўлиб, ундан тинчланишини ва бизнинг бе-маза шўхлик қилганимизга хафа бўлмаслигини илтимос қила бошлаганим, лекин унинг бизга бераётган дарсини тамом-ламай туриб, ўз хонасига чиқиб кетгани хануз эсимда. Мен қилган ножўя ҳаракатимга кун бўйи пушаймон бўлиб, бир ерга етдим. Биз, болалар, ўз қилмишимиз билан уни қонига ташна қилганимиз тўғрисидаги фикр мен учун жуда хунук бир гап эди. Демак, биз унинг йиғлашини кутган бўлиб чиқамиз. Демак, биз шуни истаган бўлиб чиқамиз; демак, биз унинг сабр косаси тўлиб тошишига сабаб бўлган эканмиз; демак, биз у бояқиш бахтиқаронинг қаттиқ, оғир қисматини эсга солишга мажбур қилган бўлиб чиқамиз! Азбаройи хафалигим, маъюслигим, пушмон қилганимдан кечаси билан ухлаёлмай чиқдим. Киши қилган ишига пушаймон бўлса, юраги бўшайди, энгил тортади, дейдилар – аксинча. Хафагарчилигимга иззати нафс қандай қилиб аралашиб кетганлигини билмайман. Унинг мени болалар қаторига қўшишини истамасдим. Ўша вақтда ёшим ўн бешга тўлган эди.

Ўша кундан бошлаб, Покровскийнинг мен тўғримда ўй-лаган фикрини қай тариқа ўзгартиришга уни мажбур қилсам экан, деган хаёллар билан мингларча режа тузиш устида роса бош қотирдим. Лекин мен кўпинча тортинчоқлик ва уятчан-лик қилардим, ана шу вазиятимда ҳеч нарсага журъат этол-масдим ва ёлғиз ширин хаёллар билан чекланиб қолаверардим (қандай ширин хаёллар эканини Худо билади!). Мен Сашага қўшилиб, шўхлик қилишга барҳам бердим; Покровский биздан

аччикланмайдиган бўлиб қолди; аммо менинг иззати нафсим учун бу камлик қиларди.

Энди бир вақтларда менга дуч келган одамлардан энг ажиби, энг ғалатиси ва энг аянчи бўлган битта одам тўғрисида бир неча сўз айтмоқчиман. Унинг тўғрисида ёзувларимнинг аини шу жойида сўзлашимнинг сабаби шуки, ана шу паллагача унга деярли ҳеч эътибор қилмаган бўлсам, энди Покровскийга алоқадор ҳамма гап мен учун тўсатдан муҳим бўлиб қолди!

Баъзи-баъзида уйимизга ирkit, ёмон кийинган, мўйсафид, бесўнақай, ношуд, кичкинагина бир чол, кискаси, ажиб бир одам келиб тургувчи эди. Биринчи қарашда у худди ийманаётгандай, худди ўзи ўзидан уялаётгандай туюларди. Чунки у ҳамиша кийпанглаб, кийшанглаб турарди; унинг бундай қилик, ҳаракат ва муқомларини кўрган ҳар бир киши уни эси паст деса хато қилмаган бўларди. Баъзан бизларникига келиб, даҳлизнинг ойнабанд эшиги олдида туриб олиб, уйга киришга журъат қилмас эди. Олдидан битта-яримта – менми ёки Сашами, ё эса унга дурустроқ муомала қиладиган хизматкорлардан бирортасими – ўтиб қолгудай бўлса, чол дарров уни имлаб чакириб, қўли билан турли имо-ишоралар қилар, унга уйда бегона одам йўқлигини, истаган вақтда келавериши мумкинлигини имо-ишоралар билан тушунтириб, ичкарига таклиф қилингандан кейингина чол эшикни секингина очиб, хурсандлигидан жилмайиб қўяр, завки келганидан қўлларини бир-бирига ишқар ва оёқ учида юриб, тўппа-тўғри Покровский хонасига томон йўл олар эди. Бу чол унинг отаси эди.

Кейин мен шу бечора чолнинг бутун тарихини батафсил билиб олдим. У бир вақтларда қаердадир хизмат қилган, ҳеч қандай қобилияти йўқ одам бўлиб, хизматда энг охириги, энг пастарин ўринда бўлган. Биринчи хотини (талаба Покровскийнинг онаси) ўлгандан кейин бу одам иккинчи қайта уйланмоқчи бўлган ва бир мешчанкани олган. Янги хотин олгандан кейин уйнинг тўс-тўполони чиққан; у хотин ҳеч кимга кун бермаган; у ҳаммага ўз ҳукмини юритган. Талаба Покровский у вақтда ўн яшар чамасидаги ёш бола бўлган. Ўғай онаси уни сира чиқиштирмаган. Аммо кичкина Покровскийга тақдири кулиб

бокқан. Хизматчи Покровскийни билган ва бир вақтларда унинг валийнеъматини бўлган помешчик Биков болани ўз химоясига олиб, аллақандай бир мактабга жойлаштириб қўйган, ҳолидан хабардор бўлиб турган, чунки боланинг мархума онасини танир экан. Мархума кизлик вақтидаёқ Анна Фёдоровна қўлида бўлиб, шу аёл томонидан хизматчи Покровскийга хотинликка берилган экан. Анна Фёдоровнанинг дўсти ва қалин онаси бўлган жаноб Биков олийҳимматлик қилиб кизга беш минг рубль сеп берган экан. Бу пулларнинг қаёққа кетгани номаълум. Бу гапларнинг ҳаммасини менга Анна Фёдоровна ана шундай хикоя қилиб берган эди; талаба Покровскийнинг ўзи эса оилавий шароити тўғрисида гапиришни асло ёқтирмасди. Одамларнинг айтишича, онаси жуда яхши хотин бўлган экан, шундай бўлса ҳам нима учун у бундай нуфузсиз одамга турмушга чиққанлиги менга ғалати туюлади... У эрга теккандан кейин тўрт йилча умр қилиб, ёш жувонлигидаёқ вафот этган экан.

Ёш Покровский мактабдан кейин аллақандай гимназияга, сўнгра университетга кирган. Жаноб Биков Петербургга жуда тез-тез келиб тураркан, у бу сафар ҳам талабани ўз химоясидан четда қолдирмаган. Покровскийнинг соғлиғи ёмонлашиб қолгани туфайли у университетда ўқишни давом эттиролмаган. Жаноб Биков уни Анна Фёдоровна билан таништирган, уни ўзи тавсия этган, шундай қилиб ёш Покровский Сашага ҳамма керакли фанларни ўқитиш шартин билан Анна Федоровна қарамига олинган.

Чол Покровский эса, хотинининг берган азоб-уқубатига чидаёлмай, энг ёмон касалга – ичиш касалига мубтало бўлиб, деярли хамиша маст юраркан. Хотини уни тутиб олиб дўппослар, уйда ётгани қўймай, ошхонага ҳайдаркан. Хуллас, ахвол шу даражага бориб етганки, Покровский, ниҳоят, хотинининг қалтаклашларига ҳам, хўрлашларига ҳам тан бериб, ҳеч кимга шикоят қилмас экан. У одам ҳали ҳеч қари эмасиди-ю, лекин ўша ёмон одатлар туфайли девонасанғи бўлиб қолган эди. Ундаги кишиликка хос олийжаноб ҳис-туйғуларнинг бирдан-бир аломати унинг ўғлига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати эди. Ёш Покровский мархума онасининг худди ўзгинаси, дейишарди.

Одамгарчиликдан чикиб қолган чолнинг қалбида ўғлига нисбатан шундай чексиз муҳаббатни уйғотган омил шу чолнинг илгариги вафодор хотини тўғрисидаги хотиралар эмасмикин? Чол ўғлидан бошқа ҳеч нимани гапира олмас, ҳамиша ҳафтада икки марта келиб, уни кўриб кетар эди. Бундан ҳам кўпроқ келишга журъат этолмасди, чунки ёш Покровский отасининг келишига сира тоқат қилолмасди. Унинг барча камчиликларидан биринчиси ва энг каттаси, албатта, отасига ҳурматсизлиги эди. Шу билан бирга, чолнинг баъзи ҳаракатлари ҳам ғоят ноҳўя эди. Биринчидан, у ўлгудай синчков, иккинчидан, алпи-салпи гап ва бўлмағур сўроқлар билан ўғлининг шуғулланишига ҳадеса халал бераверар ва, ниҳоят, баъзида маст бўлиб келар эди. Ўғли отасининг ярамас хулқлари, синчковлиги, эзмалиги ва тинмай валақлашини бирин-кетин ташлаттирди ва, ниҳоят, уни шу даражага олиб келдики, ота ўғлининг чизигидан чиқмайдиган ва унинг ижозатсиз оғиз очмайдиган бўлиб қолди.

Бояқиш чол ўз ўғли Петеньканинг дийдорига тўёлмас ва меҳри қониб, у билан ҳамсуҳбат бўлолмас эди. Ота ўғлиниқига меҳмонга келганда ҳамиша деярли аллақандай паришонхаёл, тортинчоқ бўлиб туюларди, бу нарса балки, ўғлим мени қай ҳолда қабул қилар экан, деган андишадан бўлса керак, шу сабабли ичкарига киришга узоқ фурсат ботинолмай турарди, бордию мен шу ерда бўлсам, у мени йигирма минутча гапга тутарди: „– Петенька қалай? Соғ-саломатми, ҳозир кайфияти нечук? Бирор муҳим иш билан банд эмасми? Ҳозир нима қилаётир? Ёзув-чизув ёки ўйлаш билан бандми?“

Мен унга жавоб-муомала қилиб, кўнглига тасалли берганимдан сўнг, чол, ахири, ичкари киришга юрак бетлаб, эшикни секингина очиб туриб, аввал бошини суқиб боқар, агар ўғли аччикланмай, унга ичкари киришга боши билан ишора қилса, чол хонага секингина кириб, шинелчасини, шляпасини ечарди; шляпаси бўлса доим мижикланган, илма-тешик, четлари узукюлуқ бўларди, – у бу нарсаларнинг ҳаммасини битта козикка илар, ҳамма ишни товуш чиқармай жимгина қиларди; кейин бирор стулга эҳтиётлик билан ўлтириб олиб, ўғлидан кўзини

узмас, ўз Петенькасининг аҳволи руҳиясига уйғунлашиш учун унинг ҳар бир ҳаракатини синчиклаб кузатиб турарди. Агар ўғлининг кайфи салгина ноҳуш бўлса-ю, буни чол фаҳмлаб қолгудай бўлса, дарҳол ўрнидан туриб, „Мен шунчаки, Петенька, бирровгина келиб кетмоқчи эдим. Узоқ жойга борган эдим, ўтиб кетатуриб, йўлакай дам олгани кирдим“, дерди. Шундан сўнг индамай, итоаткорлик билан шинелчасини, шляпасини олиб, яна эшикни секингина очиб, чиқаётганида, юрагидаги дард-аламинини ичида саклаш ва уни ўғлига сездириб қўймаслик учун зўрама-зўраки табассум қилиб кўярди.

Аммо ўғли отасини яхши кутиб олган пайтларда чолнинг қувончи ичига сиғмай кетарди. Унинг чехрасида, хатти-ҳаракатларида шодлик туйғуси намоён бўларди. Агар ўғли у билан гаплаша бошласа, чол ҳар гал стулдан бир оз кўтарилиб, секинлик билан жавоб қайтарар, бунда ялтоқлик билан, ортик даражада хурмат билан ва ҳамиша сира келишмаган сўзларни, яъни одамнинг кулгисини кистатадиган ибораларни ишлатишга интилар эди. Бирок тузуккина сўзлаш қобилиятидан маҳрум эди: доимо гапидан янглишиб, довдирар, ҳадиксирар, кўлларини қайга қўйишини, ўзини қаёққа уришини билмас, кейин яна гўё сўзини тўғриламақчи бўлиб, анчагача пичирлаб жавоб қайтарар эди. Агар чол яхши жавоб қайтаришга муваффақ бўлса, жилеткасини, галстугини, фрагини тузатиб, гўё ўзига зеб берган бўлиб, туппа-тузук бир киёфага кирарди. Баъзан жуда дадил, жуда жасур бўлиб кетиб, стулдан астагина турар, китоблар терилган тоқчалар олдига келиб, бирорта китобчани олар ва қанақа китоб бўлса ҳам ўша жойнинг ўзидаёқ, у ер-бу еридан ўқиб кўяр эди. Чол шу барча ҳаракатларини гўё ўғлининг китобларига ҳамиша шундай эғалик қилиб юргандай, гўё ўғли уни ҳар доим яхши қарши олиб юргандай, ўзини сохта бепарво ва совуққонли қилиб кўрсатмоқчи бўларди. Лекин бир сафар мен Покровскийнинг ўз отасига китобларга тегмаслигини илтимос қилганида бояқиш чолнинг кўркиб кетганини кўрганман. У довдираб, шошиб қолиб, кўлидаги китобни тесқари қилиб қўйди, кейин ўнглаб қўймоқчи бўлиб, китобнинг очик қирғоғини ташқарига қилиб қўйиб, илжайди, қизариб-бўзарди

ва ўз айбини нима билан ёпишни билмай колди. Покровский ўзининг насиҳатлари билан чолни ёмон одатлардан кам-кам қайтараверди ва уни уч мартача муттасил хушёр холда кўрган-дан кейин чол биринчи келганда ўғли отасининг қайтишида танга миридан<sup>1</sup>, ярим сўмдан ёки кўпроқдан бериб турди. Баъзида отасига этик, галстук ёки жилетка олиб берарди. Шунда чол янги кийимни кийиб олиб, хўроздай кеккайиб юрарди. Қай бир вақтларда у бизникига кириб, мен билан Сашага хўроз нон, олма ва шунга ўхшаган нарсалар берар ва Петенька тўғрисида биз билан суҳбатлашарди. У бизнинг диққат қилиб ўқишимизни, Петеньканинг сўзига киришимизни илтимос қилар, Петенька яхши йигит, ўрнак бўларли йигит, ўқимишли йигит, дер эди. Баъзида чап кўзини бизга шунчалик кулгили қилиб учирар, шунчалик кизик бир алфозда кийшанглар эдики, биз ўзимизни кулгидан тўхтата олмай, қотиб-қотиб кулишардик. Ойим уни жуда яхши кўрарди. Лекин Анна Фёдоровна хузурида чол жимгина, одоб сақлаб ўлтирса ҳам, у хотинни жуда ёмон кўрарди.

Орадан кўп ўтмай мен Покровскийда ўқишни тарк этдим. У мени илгаригича бола деб ҳисоблар, мени Саша қаторида шўхтака киз деб билар эди. Бу нарса менга жуда алам қиларди, чунки мен илгариги хулқ-атворимни ўзгартиришга бор кучимни сарфлардим.

Лекин мендаги ўзгаришни ҳеч ким пайкамасди. Бу эса мени тобора ғижинтирарди. Мен ўқишдан ташқари вақтда Покровский билан деярли сира гаплашмасдим, унга гапира олмасдим ҳам. Уни кўрсам, кизариб-бўртиб, ўзимни йўқотиб қўярдим ва кейин бир бурчакка кириб, алам қилгандан, йиғлардим.

Бизнинг бир-биримизга яқиндан муносабатда бўлишимизга бир ажиб хол ёрдам бермаганда, буларнинг ҳаммаси нима билан тугабини билмайман. Бир куни кечкурун, ойим Анна Фёдоровнаникида ўлтирган пайтда, мен Покровский хонасига секингина кириб олдим. Унинг уйда йўқлигини билардим, ростини айтсам, унинг хонасига нима сабабдан ки-

<sup>1</sup> **Мири** – танганинг тўртдан бир қисми.

риб қолганимни билмайман. Девор-дармиён кўшни бўлиб турганимизга бир йилдан ошган бўлса ҳам, шу чоккача мен унинг хонасига ҳеч қачон кирган эмасдим. Бу сафар юрагим шу қадар каттик, шу қадар кучли урдик, худди кўкрагимдан отилиб чиқиб кетадигандай бўлди. Мен алоҳида қизиқиш билан атрофга назар солиб чиқдим. Покровский турган хонада уй ашёси жуда кам, бори ҳам жой-жойига тузуккина қўйилмаган эди. Деворга бешта узун тахтадан токча қилинган бўлиб, уларда китоблар турарди. Стол ва стуллар устида қоғозлар ётарди. Ҳаммаёқ китобу қоғоз! Кўнглимга ажиб бир фикр келди. Шу билан бирга вужудимни аллақандай кўнгилисиз ачиниш туйғуси қоплади. Менинг меҳрибонлигим, севувчи қалбим унга камлик қилгандай туюлди. У ўқимишли, мен эсам маълумотсиз эдим, ҳеч нарсани билмасдим, ҳеч нарсани, ҳатто битта китобни ҳам ўқимаган эдим... Шу топда китоблар тагида эгилиб кетган узун токчаларга суқланиб қарадим. Вужудимни ўқинч, қайғу, аллақандай ғазаб қоплади. Унинг китобларидан биттасини ҳам қўймай мумкин қадар тезроқ ўқиб чиққим келди ва ўша онда шунга жазм қилдим. Билмайман, балки, ундаги илмининг ҳаммасини ўрганиб олиб, унга муносиб дўст бўларман, деб ўйлагандирман. Мен биринчи токчага ёпишдим; ҳеч нарсани ўйламай-нетмай, дуч келган, чанг босиб ётган эски бир китобни олдим, ҳаяжон аралаш қизариб-бўзариб, дағ-дағ титраган ҳолда ҳалиги ўғирланган китобни кечаси ойим ухлагандан кейин кичкина чироқ ёруғида ўқиб чиқишга жазм қилиб, олиб чиқиб кетдим.

Бироқ, уйга кириб, китобни шоша-пиша очиб қарасам, аллақандай эски, ярим чириган, ҳаммаёғини курт еб кетган лотинча асар экан. Мен дарҳол изимга қайтдим. Китобни токчага эндигина қўймоқчи бўлиб турган эдимки, коридорда шовкин ва кимнингдир яқиндан оёқ товуши эшитилди. Мен шошиб, каловлаб қолдим, бироқ китоби тушкурлар шу қадар зич терилган эканки, биттасини тортиб олишим билан қолганлари зичлашиб, унинг ўрнини эгаллаб қўйди ва энди ҳалиги олган китобимни қўйишга жой қолмади. Китобни ўз жойига қўйишга кучим етмади. Шундай бўлса-да, кучим борича китобни ичка-

рига каттикроқ итардим. Тахтани тутиб турган занглаган мих, синиш учун атайлаб шу пайтни кутиб тургандай, – синиб кетди. Китоблар турган тахта токчанинг бир томони пастга тушиб кетди. Китоблар тапиллашиб полга сочилиб тушди. Шу топда эшик очилиб, хонага Покровский кириб келди.

Шуни айтиш керакки, нарсаларига қўл текизган кишини у жуда ёмон кўрарди. Унинг китобларига қўл текизган одам нақ балога қоларди! Турли шаклдаги, турли қалинликдаги катта ва кичик китоблар токчадан отилиб тушиб, стол ва стуллар тагига, бутун хонага сочилиб кетган пайтда менинг нақадар кўркканлигимни ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг. Мен қочиб кетмоқчи бўлдим-у, лекин вақт ўтган эди. „Тамом, дейман, вассалом! Мен тамом бўлдим, ҳалок бўлдим! Мен худди ўн яшар бола сингари шўхлик, тентаклик қилибман; мен аҳмоқ қизман! Мен ғирт тентакман!“ Покровский ҳаддан ташқари тутакиб кетди. Ана холос, бир ками шу қолибмиди! – деб ўшқирди у. „Хўш, шунақа шўхлик қилишга уялмадингизми!.. Сизга қачон ақл қиради?“ – деди-да, апил-тапил китобларни йиғиштира бошлади. Мен энгашиб унга ёрдам қилмоқчи бўлган эдим, у: „Керак эмас, керак эмас! – деб қичқирди. – Чақирмаган жойга бормасангиз, қайтага яхшироқ бўлар эди“. Аммо, шундай бўлса-да, у менинг итоаткорона ҳаракатимни кўргач, яқингинада мени ўқитиб юрганини эслаб бўлса керак, бирмунча шахтидан тушиб, насиҳатомуз гап қила бошлади: „Хўш, қачон қуюласиз, қачон эсингизни йиғиб оласиз? Ахир сиз ўзингизга бир назар солинг, сиз ёш бола эмассиз-ку, кичкина қиз эмассиз-ку, ахир сиз ўн бешга кирдингиз!“ Менинг кичкина эмаслигимни текшириб кўриш учун бўлса керак – у менга бир қаради-ю, қизариб кетди. Мен тушунмадим; мен унинг хузурида туриб, унга ҳайрат назари билан тикилиб туравердим. У ўтирган жойидан туриб, иймана-иймана ёнимга келди, ўзини йўқотиб қўйиб, бир нималар деди, балки менинг қап-қатта қиз бўлиб қолганимни эндигина пайқаган бўлса керак; бир нималар деб узр сўради. Ниҳоят, мен тушундим. Ўша пайтда қай алфозга тушганимни билмайман; мен каловлаб, ўзимни йўқотиб қўйдим, Покровскийдан баттар қизариб-



бўртиб кетдим, қўлларим билан юзимни беркитиб, хонадан югура чиқиб кетдим.

Азбаройи қаттиқ уялганимдан нима қиларимни, ўзимни қаёкка ураримни билмадим. Бор-йўғи у мени ўз хонасида учратди! Нақ уч кунгача унга қарай олмадим. Эсимга тушса, кипкизариб кетаман. Ғоят ажиб ва кулгили фикрлар миямни чулғаб олди. Шу фикрлардан бири, энг бемаъниси шу эдики, мен унга бориб, очик гаплашмоқчи, ўз айбимга икром бўлмоқчи, ҳамма гапни рўйи рост айтиб, бу ишни тентаклигимдан эмас, балки оқ кўнгиллик билан, яхши ният билан қилганимга уни ишонтирмоқчи эдим. Мен унинг хузурига боришга қатъий жазм қилган эдим-у, лекин хайриятки, журъат қилолмадим. Боргудай бўлсам, ишни роса пачава қилган бўларканман! Буларни эсимга олсам, ҳали ҳам уяламан.

Орадан бир неча кун ўтгач, ойим тўсатдан қаттиқ оғриб қолди. У икки кунгача ўрнидан туролмай ётди ва учинчи кечаси иситма чиқариб алаҳлай бошлади. Мен бир кеча ухламай, ойим тўшаги ёнида ўлтириб чиқдим, ичириш учун сув, чой келтириб бериб, маълум соатларда дориларини ичириб турдим. Иккинчи кечаси бутунлай силлам қуриди. Ўқтин-ўқтин мени уйку элтиб, кўзим тиниб кетар, бошим гир-гир айланганидан йиқилай-йиқилай деб базўр ўлтирардим, аммо ойим инграган пайтларда чўчиб уйғонардим, бир лаҳзадан кейин мени яна мудроқ босарди. Жуда қийналиб кетдим. Билмайман – ҳеч эслаб ололмайман, мени қаттиқ мудроқ босиб, бошим авжи гангиб турган пайтда аллақандай даҳшатли туш, аллақандай ваҳимали бир манзарани кўрибман. Кўркиб уйғондим. Хона ичи қоронғи, чирок ўчай-ўчай деб қолган, у гоҳ бутун хонани ёритар, гоҳ деворда ғира-шира бўлиб кўринар, гоҳ бутунлай йўқолар эди. Нимадандир юрагимга ваҳима тушди, мени аллақандай кўрқув босди; кўркинчли туш мени ваҳимага солди; юрагим ғаш бўлиб кетди... Ўлтирган стулимдан сапчиб турдим ва аллақандай қийновчи, даҳшатли оғир туйғудан бирданига қичқариб юбордим. Шу пайтда эшик очилиб, Покровский кириб келди.

Кўзимни очганимда унинг қўлларида эканимни биламан, холос. У мени креслога авайлаб ўтказди, бир стакан сув узатди-да, бир қатор саволлар берди. Унга нимадир деб жавоб қилганим эсимда йўқ. „Сиз бетобсиз, ўзингиз қаттиқ бетобсиз, – деди у кўлимни ушлаб туриб, – сизда иссиқ бор, ўзингизни ҳалок қиласиз, ўз соғлиғингизни аямайсиз; тинчланинг, ётинг, ухланг. Мен сизни икки соатдан кейин уйғотаман, биров ором олинг... Ётинг, дедим, ётинг!“ – деб давом этди у ва менинг бир оғиз ҳам эътироз билдиришимга йўл қўймади. Чарчоқ силламини куришиб юборган эди; бўшашганимдан кўзларим юмилиб кетаверди. Ярим соатгина миужа қоқиб ола қолай деб, креслога ёнбошладим, бироқ эрталабгача ухлабман. Покровский мени ойимга дори берадиган вақтдагина уйғотибди.

Эртасига кундузи мен бир оз дам олиб, бу гал ухламасликка қатъий жазм қилдим ва ойим тўшаги ёнидаги креслода яна ўлтириб чиқишга ҳозирлик кўрдим, Покровский соат 11 ларда уйимиз эшигини тақиллатди. Мен эшикни очдим. „Бир ўзингиз ўлтириб зерикасиз, – деди у менга, – мана сизга китоб, олинг; ҳар ҳолда жуда ҳам зерикиб қолмайсиз“. Китобни олдим. У нима китоб экани эсимда йўқ: гарчи кечаси билан ухламай чиққан бўлсам-да, китоб бетига қарамагандирман, балки. Ажиб ички ҳаяжон мени ухлашга қўймади; бир жойда тинч тура олмадим; креслодан бир неча марта туриб, хона ичида нари-бери юра бошладим. Ич-ичимдан аллақандай қувоник келиб, бутун вужудимни қошларди. Мен Покровскийнинг эътибор берганига шунчалик хурсанд эдим. Унинг мени деб қилган оврагарчилиги ва менга ғамхўрлигидан фахрланардим. Мен кечаси билан ўй ўйлаб, хаёл суриб чиқдим. Покровский қайтиб кирмади; мен эса унинг кирмаслигини билардим, эртаги кеч тўғрисида ўйлардим.

Яна куни кечаси, уйдагилар ҳаммаси ётиб қолгандан кейин, Покровский ўз эшигини очиб, остонаси ёнида мен билан гаплаша бошлади. Ўша пайтда бир-биримизга гапирган гапларимиздан бирорта сўзи ҳам эсимда қолмаган; мен тортиниб, уялиб-суялиб, ўзимдан ўпкалардим ва гапнинг тугашини

сабрсизлик билан кутардим, ҳолбуки мен гаплашишни куни билан орзу қилардим, куни билан шуни ўйлардим ва ўзимча савол-жавоблар тўқирдим... Ўша куни кечкурундан бизнинг дўстлик алоқамиз бошланди. Ойим касалининг бошидан то охиригача биз ҳар куни кечаси бир неча соатлаб бирга бўлдик. Мен уятчанлигимни аста-секин енга бордим, шундай бўлса-да, ҳар сафар гаплашганимиздан кейин ҳам менга алам қиларди. Аммо мен махфий шодлик ва мағрурона мамнуният билан шу ҳолни кўрдимки, Покровский мени деб ўзининг жонга тегадиган китобларини унута бошлади. Тасодифан, ҳазил тариқасида, гапимиз китобларнинг тоқчадан тушиб кетгани тўғрисида борди. Ажиб бир ҳол рўй берди, мен қандайдир жуда ҳам оккўнгил ва самимий эдим; мен қизғинлик ва ажиб бир қувончга берилиб кетиб, кўнглимдаги бор-йўғини айтиб бердим, яъни ўқувга ҳавасим бўлганлигини, унча-мунчани билишни, мени ёш бола деб ҳисоблашгани алам қилганлигини гапириб бердим... Такрор айтаманки, мен жуда ғалати бир кайфиятда эдим; кўнглим эриб кетиб, кўзимга ёш келди, шу сабабли ҳеч нарсани яширмай, ҳамма гапни – ўзимни унга дўст тутишимни, севишга хоҳишим борлигини, у билан ҳамнафас бўлиб яшашни, уни овутиб, тинчителишни, хуллас, ҳаммасини айтиб бердим. У менга ғалати бир назар, ҳаяжон, ҳайрат билан қаради-да, бир оғиз ҳам сўз айтмади. Бу ҳол тўсатдан менга жуда алам қилди, дилим сиёҳ бўлиб кетди. У менинг фикримга тушунмагандек, ҳатто менга кулаётгандек туюлди. Мен тўсатдан йиғлаб юбордим, ўзимни йиғидан тўхтатолмай, ёш бола сингари хўнграй бошладим; мени худди жазава тутгандек бўлди. У қўлларимдан ушлаб, уларни ўпди, кўкрагига босди, юпатиб, овутмоқчи бўлди; у жуда хафа эди; унинг менга нималар дегани эсимда йўқ, аммо мен ҳам йиғладим, ҳам кулдим, яна йиғладим, қизариб-бўртиб, азбаройи суюниб кетганимдан чурқ этиб оғиз очолмадим. Шуниси ҳам борки, шунча тўлкинланганимга қарамай, Покровскийда ҳали ҳам аллақандай уялиш ва ғайритабиийлик борлигини сездим. У менинг астойдил берилганлигимга, қувончимга, шундайин тўсатдан юз берган қизғин, оташин дўстликка ажаблана олмаган

бўлса керак. Балки унга олдин кизик туюлгандир; кейинчалик ундаги қатъиятсизлик йўқолди, менинг унга берилганлигимни, латофатли сўзларимни, диккат-эътиборимни, у худди ўзим сингари, содда, очиқ чехра билан қабул қилиб, буларнинг ҳаммасини худди чин дўстимдай, туғишган акамдай эътибор билан, меҳрибонлик ва очиқ кўнгиллик билан жавоб қайтарди. Кўнглим шундай хузур топди, шундай яхши бўлдики, асти кўяверинг!.. Мен ҳеч нарсани яширмадим, ҳеч нарсани сир тутмадим; у буларнинг ҳаммасини кўрди ва менга кундан-кунга кўпроқ кўнгил кўя берди.

Тўғриси, учрашувларимизнинг ўша азоб берадиган ва шу билан бирга ширин-ширин пайтларида, кечаси, липиллаб ёниб турган жинчирик ёруғида, бояқиш бетоб ойим тўшагининг ёнгинасида нималар тўғрисида сўзлашганимиз хотирамда йўқ!.. Биз миямизга келган, юракдан отилиб чиққан, айтишни талаб қилган ҳамма нарса тўғрисида гаплашдик, – шунинг учун биз деярли бахтиёр эдик... Ох, у чоғлар хафалик билан хурсандлик бирга бўлган бир давр эди; шунинг учун ўша даврни эсласам, кўнглимда хафалик ҳам, хурсандлик ҳам бараварига рўй беради. Эсдаликлар шодликлардан иборатми, хафаликдан иборатми, ҳамиша кишини қийнайди; кўйинг-чи, ўзим шунақаман; аммо тортган азобинг ҳам ширин туюлади. Юрак сиқилиб, алам чекиб, зорикиб, хафақон бўлган пайтингда, кечкурун тушган шудринг томчилари кундузги қаттиқ иссиқдан қовжираб қолган сўлғун, нимжон гулни яшнатиб, жонлантириб юборгани сингари, ўтмишни эслашлар ҳам юракни яшнатиб, жонлантириб юборади.

Ойим ром-ром тузала бошлади, лекин кечалари унинг тўшаги ёнида ўлтириб чиқишни ҳамон давом эттирмоқда эдим. Покровский менга тез-тез китоб бериб турарди; аввал-аввал мен китобларни ухлаб қолмаслик учун ўқирдим, кейинроқ бирмунча диккат қилиб ўқийдиган бўлдим, сўнгра астойдил берилиб кетдим; кўз ўнгимда тўсатдан шу топгача менга нотаниш, номаълум бўлган кўпгина янгиликлар намоён бўлди. Янги-янги фикр ва таассуротлар юрагимга бирданига кучли оқим билан айқириб кирди. Тўлқинланиш мен учун қанча оғир бўлса,

хижолат тортиш ва янги таассурот олиш қанча машаққат бўлса, улар менга шунча севимли туюлар, бутун қалбимни шунчалик ширин ҳаяжонга солар эди. Улар бирданига юрагимга суқилиб кириб, унинг тин олишига қўймадилар. Аллақандай бир тартибсизлик бутун вужудимни безовта қила бошлади. Аммо бу руҳий зўравонлик таъбимни сира хира қила олмади ва бунга кучи ҳам етмади. Мен жуда ҳам хаёлчан эдим, шу нарса мени саклаб қолди.

Ойимнинг дарди аригандан кейин бизнинг кечкурунлари учрашувимиз ва узундан-узун суҳбатларимиз барҳам топди; баъзан бир амаллаб унча-мунча гаплашиб олардик, гапларимиз кўпинча курук бўларди, унча муҳим бўлиб чикмасди, аммо мен ҳамма гапга ўз кийматимни, кўнглимда ўйлаб қўйилган махсус баҳосини беришни яхши кўрардим. Ҳаётим завқли эди, мен бахтиёр эдим, бахтиёрлик билан тинчгина, жимгина яшар эдим. Бир неча ҳафта шу зайлда ўтди...

Кунлардан бирида бизникига чол Покровский кириб келди. У биз билан узок фурсат валаклашиб ўлтирди, ўзида йўқ хурсанд, тетик бўлиб, кўп сўзлади; ўзича аскиябозлик қилди ва, ниҳоят, хурсандлигининг боисини айтиб берди, бир ҳафтадан кейин Петеньканинг туғилган куни бўлишини ва шу муносабат билан албатта ўғлининг ҳузурига келишини, янги жилетка кийишини ва хотини унга янги этик олиб беришга ваъда қилганини гапирди. Хуллас, жуда хурсанд эди, у оғзига келганини қайтармай, ҳамма нарса тўғрисида сайради.

Унинг туғилган куни! Бу кун менга кундузи ҳам, кечаси ҳам тинчлик бермади! Мен Покровскийни дўст тутишим тўғрисида ўзига айтишга ва бирор нарса тортиқ қилишга қатъий жазм қилдим. Лекин нимани? Ниҳоят, унга китоблар совға қилишни ўйлаб топдим. У Пушкиннинг тўлик асарлар тўпламининг сўнгги нашрини олишни орзу қилиб юрарди, шунинг учун мен Пушкин асарларини сотиб олишга қарор қилдим. Бисотимда тикиш-чатишдан топган ўттиз рубль чама-сида пулим бор эди. Бу пулни ўзимга янги қўйлак олишга атаб қўйган эдим. Мен дарҳол Матрёна деган ошпаз кампиримизни Пушкиннинг ҳамма асари қанча туришини билиб келиш-

га юбордим. Афсуски, ҳамма асарнинг, яъни ўн битта китобнинг баҳоси, муқовалари билан бирга ҳисоблаганда, камида олтмиш рублча бўлар экан. Пулни қайдан олай? Ўйлаб-ўйлаб, нима қиларимни билмай қолдим. Ойимдан сўрагим келмади. Албатта, ойим менга ҳеч сўзсиз ёрдам берган бўларди-ю, лекин уйдагиларнинг ҳаммаси бизнинг совғамиздан бохабар бўлиб қоларди; бунинг устига бу совға Покровскийнинг йил бўйи қилган меҳнат ҳақиға, унга ташаккурға айланиб қоларди. Мен эса ҳеч кимга билдирмасдан, яққа ўзим совға қилишни истардим. Унинг менга сингган меҳнатлари бадалиға, ўзимнинг унга бўлган дўстлигимдан ташқари, ҳеч нарса билан қайтармай, умрбод қарздор бўлиб қолишни хоҳлар эдим. Ниҳоят, қийинчиликдан қутулиш йўлини ўйлаб топдим.

Гостиний двордаги букинистлардан<sup>1</sup> кўпинча бироз тутилган ва деярли яп-янги китобни, агар савдолашилса, баъзан ярим баҳосиға сотиб олиш мумкинлигини билар эдим. Мен Гостиний дворға боришға қатъий жазм қилдим. Кўнгилдагидек бўлиб чиқди; ўша куннинг эртасиғаёқ бизда ҳам, Анна Фёдоровнада ҳам аллақандай зарурат туғилиб қолди. Ойимнинг мазаси қочиб турган эди, Анна Фёдоровна эринди, бу эса муддао эди, шунинг учун ҳамма топшириқ менга юклатилди, мен Матрёна билан бирга жўнаб кетдим.

Толеимға, Пушкинни жуда тез топдим, муқоваси ҳам жуда чиройлик экан. Мен савдолаша бошладим. Аввалиға дўконлардагидан қимматроқ нарх айтишди; лекин мен савдогар билан қийиша-қийиша бир неча марта кириб келганимдан сўнг, уни ахири шунга олиб келдимки, у китоб баҳосини қамайтирди ва ўн сўмлик қумуш пул берасан, деб туриб олди. Савдолашаётганимдан хурсандлигимни айтмайсизми!.. Бояқиш Матрёна менга нима бўлганини ва нега шунча китоб сотиб олмокчи бўлганимнинг сабабини тушунмас эди. Бироқ иш чатоқ бўлди. Менинг бор-йўқ бисотим асигнацияға ўттиз рубль эди, савдогар бўлса ундан арзонроқ қилиб беришға сира қўнмади. Ниҳоят, мен ундан илтимос қила бошладим. Илтимос қила-қила, охири

<sup>1</sup> Букинист – эски ва нодир китоб сотувчи.

уни кўндирдим. У баҳони камайтиришга кўнди-ю, лекин атиги икки ярим рубль камайтирадиган бўлди ва буни ҳам бўлса менинг шундай яхши киз эканимни назарга олиб, фақат мен учун камайтиришни, бошкаларга эса бундан сира ҳам камайтирмаслигини айтди. Икки ярим сўм етмас эди! Алам қилганидан йиғламоқдан бери бўлдим. Лекин ҳеч қутилмаган бир ҳодиса мени ташвишдан қутқазди.

Мен сал нарида, устида китоблар турган бошқа бир стол ёнида чол Покровскийни кўриб қолдим. Тўрттами, бешта букинист унинг атрофида уймаллашиб турганди; улар чолни тортқилайвериб, нақ энка-тенкасини чиқазиб юборишди. Ҳар қайсиси унга ўз молини таклиф қилар эди, – уларнинг таклиф қилмаган нарсаси ва чолнинг нималарни олгиси келмади! Боякиш чол улар ўртасида каловлаб, довдираб турар ва таклиф этилган моллардан қай бирини олишини билмас эди. Мен унинг ёнига яқинлашиб, ундан нима қилаётганини сўрадим. Чол мени кўргач, жуда севиниб кетди. У мени Петенькаси қатори, жонидан яхши кўрарди, деса бўлади. „Мана, мен китобчалар сотиб олаётирман, Варвара Алексеевна, – деб жавоб берди менга, – Петенькага китобчалар олаётирман. Мана, яқинда унинг туғилган куни келади, у бўлса китобни яхши кўради, мана шунинг учун унга атаб китоблар олмоқдаман...“. Чол ҳамиша қулгили қилиб сўзларди, энди бўлса устига-устак жудаям довдираб қолган эди. Қайси китобнинг баҳосини сўрамасин, кумуш пул билан бир рубль, икки рубль, уч рубль турарди; шу сабабли катта китобларга харидор бўлмаётганди, шунчаки уларни қўлига олиб, эҳтирос билан кўздан кечирар, бармоқлари билан варақлар, у ёқ-бу ёғига қараб, яна ўз жойига қўйиб кўярди. „Йўк, йўк, бу қиммат, – дерди паст овоз билан чол, – мановилардан бирор нима қарасакмикан“, деб туриб, юпка дафтарчаларни, қўшиқ тўпламларини, альманахларни бирма-бир қўлдан ўтказа бошлади, буларнинг ҳаммаси ҳам жуда арзон китобчалар эди. „Ахир буларнинг барини нега сотиб оласиз? – деб сўрадим ундан, – ҳаммаси ҳам бўлмагур нарсалар-ку“. „Йўғ-е, – деди у, – йўк, сиз бир каранг, бу ердаги

китоблар кандай яхши; жудаям яхши китобчалар бор!“ Сўнгги сўзларини у шундай бир мунгли оҳангда чўзиб айтдики, назаримда у, яхши китоблар нега қиммат туради, деб хафа бўлганидан йиғлаб юборадигандай ва рангпар юзларидан қизил бурнига ёш томчиси думалаб тушадигандай туюлди. Мен ундан қанча пули борлигини сўрадим. „Мана ахир, – деди-да, бояқиш, ёғ босиб кетган бир парча газета қоғозига ўрлик пулларини чиқазди, – мана, ярим рубллик, икки гривенлик, йигирма тиинлик мис чақалар ҳам“. Мен пулларни бетўхтов букиниста олиб бордим. „Ўн битта китобча ҳаммаси бўлиб ўттиз икки ярим рубль туради; бисотимдаги пул эса ўттиз рубль, устига икки ярим рубль қўшинг, ҳамма китобчалар бизники бўлади-қўяди, иккаламиз биргаликда совға қиламиз“. Севинчдан чол ўзини йўқотгудек бўлмоқда эди, ҳамма пулларни унинг олдига тўқди ва букинист китобларнинг ҳаммасини қўшқўллаб чолга тутқазди. Чол китобчаларни сикқанича чўнтақларига жойлади, қўлтиқларига қистирди, қолганини иккала қўлига ушлади-да, эртага ими-жимида меникига олиб келишга сўз бериб, китобларни олиб кетди.

Эртасига чол ўғлиникига келди, одатдагидай унинг олдида бир соатча ўтирди, кейин бизникига кирди ва ғоят сирли ва кулгили бир ҳолатда ёнимга келиб чўқди. Аввал жилмайиб, ажиб бир сирни биладиган одамдай, қўлларини бир-бирига ишқалаб, менга китобларни ҳеч кимга билдирмасдан бизникига олиб келганини, уларни ўчоқбошининг бир бурчагига қўйиб қўйганини, Матрёна уларни кўз қорачиғидай асраётганини айтди. Сўнгра гап ўзидан-ўзи ўғлининг туғилган куни айёмига кўчди; кейин чол биз уларни қай тариқа совға қилишимиз хақида эринмай гапирди, у китоблар ва уларни қандай тақдим этиш тўғрисида гапиргани сайин менга бир нарса аён бўлмоқда эдики, у энг асосий нарсани, дилининг тубида ётган алланимани айта олмаяпти, айта олмаяпти эмас, айтгани юраги дов бермаяпти. Мен, қани, бу ёғи нима бўларкин, деб кута бошладим. Шу пайтгача чолнинг ғалати қийпанглашларидан, чап кўзини қисиб қўйишларидан дарров укиб оладиганим сирли



севинчдан, сирли хузурланишдан ном-нишон йўқ эди. Унинг чехраси тобора ташвишлироқ ва ғамгинроқ бўлиб бормоқда эди; охири у ёрилди.

– Менга қаранг, – деб гап бошлади у овозини яна ҳам паясантириб, кўрка-писа, – менга қаранг, Варвара Алексеевна... биласизми, Варвара Алексеевна? – Чол бутунлай каловлаб қолганди. – Биласизми, ўғлимнинг туғилган кунда ўнта китобни сиз олинг-да, ўғлимга ўзингиз совға қилинг, ҳа, ўз кўлингиз билан, ўз номингиздан, мен эса биттасини, ўн биринчисини оламан-да, уни ўғлимга ўзим ўз кўлим билан, ўз номимдан совға қилай, қарабсизки, сиз ҳам қуймайди шунда, кабоб ҳам. Сиз ҳам бир нима совға қилган бўласиз, мен ҳам, иккаламиз ҳам унинг кўнглини олган бўламиз. – Шундай деб чол чайналиб қолди ва жим бўлди. Мен унга қараб қўйдим, у аллақандай хадик билан менинг ҳа ёки йўқ дейишимни кутарди. „Икковимиз биргаликда совға қилсак, нима қилибди, Захар Петрович?“ – „Ҳалигиндай, Варвара Алексеевна, бу ўзи шунақа... мен айтмоқчи эдимки...“ Хуллас, чол дудукланиб, гапиролмай қолди, қип-қизариб кетди, калавасини йўқотиб, турган жойида серрайиб қолди.

„Кўрмайсизми, – деди у охири тилга кириб – мен, Варвара Алексеевна, ҳаддимдан ошиб кетаман... яъни сизга айтиб қўйишим керакки, мен ҳар доим қуюшқондан чиқиб кетаман, ҳар доим шунақа бўлиб ёпишиб оламан... яъни, гоҳида ҳар хил кўнгилсизликлар бўлганда ёки бошга битта-яримта ташвиш тушганда, ёки бирон-бир ёмон воқеа рўй берганда, мен ўзимни тутолмай қоламан, ҳаддимдан ошиб, кўпроқ ичиб қўяман. Ўғлим буни жуда ёмон кўради. Биласизми, Варвара Алексеевна, шунақа пайтларда аяб ўтирмайди, сўкиб-сўкиб ташлайди, насихатлар ўқийди, танбеҳлар беради. Ана шуларни ўйлаб, бир иш қилмоқчиман, совға тарикасида унга тузалаётганимни, ўзимни ажайибтовур тута бошлаганимни билдириб қўймоқчиман. Китоб сотиб олиш учун пул тўплаганимни, қириб-қиртишлаб тўплаганимни айтмоқчиман. Агар Петрушанинг онда-сонда бериб турганини айтмаса, чўнтагим сира пул кўрмайди, бу аниқ. У буни билади. Шундан келиб чиқиб айта-